

Пайшанба кунлари чиқади

1997 йил 10—16 июл

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар Қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун»
Халқаро хайрия жамғармаси

Баҳоси эркин нархда

*Ўз фасли сайр айламакнинг ўзга холи бор,
Кимга бу нашга мунссар бўлса бордур давлати.*

З.М.Бобур



ТИРИКЛИК МАНБАИНИ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК

Хабар

Куни-кеча Ўзбекистон сув ҳужалиги ходимлари, Халқаро «Экосан» жамғармаси, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани хотин-қизлар қўмитаси, 1-Чарх-Комолон маҳалласи қўмитаси фаоллари ташаббуси билан «Ҳаёт чашмалари» мавзуида катта тadbир ўтказилди.

Tadbirда ўзоқ-яқиндан маҳалла фаоллари ҳамда сув ҳужалигига тегишли тапқилот ва муассасалардан нақиллар ташириб, аҳоли билан яқиндан мулоқотда бўлишди. Фуқароларнинг сув

муаммосига оид савол, таклифларига жавоб бердилар. Шунингдек бугунги кунда еш авлоднинг соғлом, баркамол ўсишида тоза ичимлик сувининг нақадар зарурлиги ҳамда «Бола ҳуқуқлари тўғрисида» Конвенция ҳақида Ўзбекистон Болалар жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раисаси Шоҳида Маълонovanнинг мазмунли матбузаси тингланди. Tadbir иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз

Сиз мусиқани бу фақат оҳанг, деманг. Мусиқа бу — сўз, бу — ҳикмат, бу — гоё, бу — фалсафа. Сўз орқали нимаики айтиш мумкин бўлса, мусиқа орқали ҳам айтиш мумкин.

Агар дунёдаги энг ширин сўзларни эшитмоқчи бўлсангиз, яхши миллий мусиқага қўлоқ тутинг.

Агар ёмон сўзлардан ўзингизни олиб қочмоқчи бўлсангиз, ёмон куйдан ўзингизни четта олинг. Ёмон мусиқа жазавасидан ўзингизни олиб қочинг. У ҳатто йймондан айириши мумкин. Киши ёмон озиқдан жисмини парҳез тутганидай, кунглини ҳам ёмон мусикадан тақво қилиши лозим.

Келгуси сонда: МИЛЛИЙ ҚЎШИҚ ҚАҲРАМОНИ. Бадиа.

Ахборот



Янги ҳуқуқий-демократик давлат қурилишида хотин-қизларнинг ўрни ва роли қандай бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида хотин-қизларнинг ҳуқуқ, бурч ва кафолатларининг акс этиши, уларнинг ижтимоий ҳимоя борасидаги ҳуқуқ ва имтиёзлари, аёлнинг оила фаровонлиги, фарзандлар тарбиясидаги ўрни каби масалалар гоят долзарбдир. Аҳолининг барча қатламлари қатори хотин-қизларнинг ҳам ҳуқуқий билимларини ошириш давр талаби бўлиб турибди. Тошкент вилояти Тошкент тумани ҳокимлигида «Аёл ва ҳуқуқ» мавзусида ўтказилган илмий-амалий конференцияда ҳам ана шу муаммолар ҳусусида атрофлича фикр юритилди. Унда туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими, суд, прокуратура, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизими,

юртимизда соғлом авлод тарбияси, оналар ва болаларнинг тиббий, ижтимоий муҳофазаси, болали оилаларга давлат гамхўрлигини ошириш ва такомиллаштириш борасида ибратли ишлар амалга оширилаётгани сир эмас. Бу нарса жаҳон ҳамжамяти томонидан ҳам тан олинди, эътироф этилапти. ЮНЕСФнинг дунёда болаларнинг аҳоли ҳақидаги маълумотлари билан танишар экансан, халқимизнинг «Бирни қуриб фикр қил, бирни қуриб шукр», деган ибратли гапи бежиз айтилмаганига амин буласан киши. Мустақил Ўзбекистонимизда болаларнинг таълим олишлари, соғлом ва баркамол бўлиб ўсишлари учун

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ

жон куйдирилаётган бир пайтда дуненинг қатор мамлакатларида...

● ... ота-онаси томонидан ташлаб кетилган 100 миллионга яқин бола угрилиқ, фоҳишалар ҳисобига кун кечираяпти;

● 50 миллиондан ортиқ бола ҳавфли ва соғлиқ учун зарарли соҳаларда меҳнат қилишга мажбур бўлмоқда;

● 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган 120 миллион бола мактабга бориб илм олиш имкониятидан маҳрум;

● йилига 3,5 миллион бола даволаш мумкин бўлган касалликлар туфайли ўлиб кетаяпти;

● ривожланаётган мамлакатларда 5 ёшгача бўлган 155 миллионга яқин бола қашшоқ аҳволда кун кечираяпти.

ОИЛА ФАРИШТАСИ

жамоат бирлашмалари вакиллари, хотин-қизлар қўмитаси фаоллари иштирок этишди.

Анжуманда Ўзбекистон Болалар жамғармаси шўъба мудир Ратнохон Каримова иштирок этиб, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида» Конвенциянинг тарихи, мақсад ва вазифалари, уни ҳаётга тадбиқ этиш борасида республикаимизда амалга оширилаётган ишлар ҳусусида сўзлаб берди.

— Конвенция республикаимизда 1992 йил декабр ойида Олий Мажлис томонидан ратификация қилинган эди, — дейди Р. Каримова. — Шундан кейин қабул қилинган қатор қонунларда, юртбошимизнинг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ана шу Конвенция моддалари ҳам ўз аксини топди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Жиноят Кодекси, Меҳнат Кодекси, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуни, «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва бошқа ҳужжатларни айтиб ўтиш мумкин. Бутунги кунда республика Болалар жамғармаси ЮНЕСФ ташкилоти, юртимиздаги жамоат бирлашмалари, тегишли вазирлик ва қўмиталар билан ҳамкорликда Конвенцияни халқ орасида кенг тарғиб қилиш юзасидан қатор ишларни амалга оширмоқда. Фаолларимиз барча вилоятларда бўлиб, семинарлар, учрашувлар ўтказишмоқда.

«Аёл ва ҳуқуқ» семинари савол-жавобларга бой тарзда қизиқарли ўтди.

Раъно ҚУРБОННЁЗОВА,
Сайёра ЖАББОРОВА



Мазза...

Маҳаллада яшовчи хотин-қизларнинг саломатлигини муҳофаза қилишни кенгаш узининг асосий вазифаларидан бири, деб билади. Ана шу мақсадда хотин-қизлар бир йилда икки марта тиббий куридан ўтказилади.

Тиббиёт ходимларининг маҳалла хотин-қизлари билан учрашувлари эса доимо қизиқарли ва мунозарали тарзда бўлиб ўтади ва бундай учрашувларда аёллар гигиенаси, ҳомиладор аёлларнинг нималарга эътибор беришлари зарурлиги, фарзанд тарбияси мавзусидаги қизқарли суҳбатлари хотин-қизларимизнинг саломатлигини муҳофаза этишда ердан берадир.

Маҳаллаимизда 10 та «Намунали хонадон» бўлиб, уларни ёш оилаларга бирктириб қўйганмиз. Кейинги йилги уч йил мобайнида қўллаб ёш оилаларда жанжал чиқиши, бир-бирини тушунмаслик оқибатида ажралишлар юзата келган эди. Маҳалла хотин-қизлар кенгаши, оқсоқоллар, фахрий онахонларимизнинг аралашуви, панд-насихатлари билан уларнинг аксарияти яна ярашиб кетдилар.

Қизларни ёшлигидан турмушга

тайерлаш ҳар бир ота-она, айниқса, аёлларнинг бурчидир. Маҳалла хотин-қизлар кенгаши қошида «Усмир ва балоғат ёшидаги қизларни оилага тайерлаш» гуруҳи тузилган бўлиб, тиббиёт ходимлари, иззатли оналар, ўқитувчилардан иборат етти нафар аъзо маълум режа асосида иш олиб борадилар. Гуруҳ томонидан маҳалла ҳудудидаги 3-4 урта мактабларнинг юқори синф ўқувчи қизлари билан «Сиз булажак онасиз», «Сиз келин бўлишга тайёрмисиз?» мавзуларида талбирлар ўтказилади.

Бир сўз билан айтганда, юқоридаги ишлардан қўланган мақсадимиз, маҳалланинг курки, файзи, хонадонларимиз фариштаси бўлган хотин-қизлар билан ишлашни янада такомиллаштириш, оилаларимизда аҳиллик, рўзгоримизда ба-рака, фарзандларимиз бағри бутун, иқболи баланд бўлишини таъминлашдан иборатдир.

З. ОХУНЖОНОВА,
Андижон вилояти, Қўрғонтепа шаҳридаги Абдураҳмон Жомий номи маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар кенгашининг раиси

ЎЗ УЙИДА БЕГОНАЛАР

«Ҳурматли тахририят!

Очиги, газетага мурожаат қилмаганман. На чора, инсон бошига мусибат тушганда, ҳаммадан нажот истаб қоларкан—да.

Мен 1985 йили Хайдаров Мирзога турмушга чиқдим. Бир йилча қайнонам билан яшагач, 1986 йилда Бинокор кўчаси 5—уйга кўчиб ўтдик. Кейин ўн йил мобайнида эрим билан тош келса кемириб, сув келса сибириб беш хона уй қурдик, боғ—роғли ҳовлига айлантирдик. Аввало, болаларим, қолаверса, ҳамма ҳавас қилгулик оилам борлигидан хурсанд эдим. Лекин қутилмаганда турмуш ўртоғим вафот этди. Қаддим буқалиб қолди. Уч бирдай ғўдагим ота меҳридан жудо бўлди. Бу қуларим ҳам оз эканми, тўсатдан қайнонам жанжал қилиб болаларим билан уйдан чиқариб юборди. Ўз уйимизга бегона бўлиб, бир йилдан буён сарсон—саргардонимиз. Илтимос, мендек жафоқаш аёлниң дардига кулоқ солиб, ёрдам берсангизлар.

Умид билан жавоб кутиб, Фотима БОБОНАЗАРОВА».

Халқимизда шундай бир нақл бор. «Уригидан данаги ширин». Лекин бу нақл қаршилиқ Роҳатой ая қалбидан урин олмаган экан чоғи, булмаса кун—кеча алпдай уелонини тупроққа топшириб, ундан қолган ёдгорларини кучага ҳайдаб солмасди.

Фотима билан учрашдим тинчим йўқолди. Унинг гам—аламдан чўкиб қолган ҳуссаси, болаларининг жавдираб, нажот истаб тургани ҳеч куз унгимдан кетмайд.

Аёл киши бошпанасиз, уйининг эгасидан айрилмасин экан. Қийин—да. Кимга ялинади, кимга ёлворади. Аёл боши билан қайси идо-

рага чопсин боёқши. Қайнонаси униям, болалариниям аямади. Эрининг вафотидан сўнг Фотима ёш болалари билан ёлғиз қолди. Яхшиям кўни—қўшнилари бор экан, ҳолидан хабар олиб туришди. Фотима энди ўзи учун бўлмаса, болалари учун яшаб ўтишга аҳд қилди.

Болаларини мактабга, боғчага жойлаб ишга чиқди. Албатта, аёл киши учун ҳам рўзгор тебратиш, ҳам болалар тарбияси билан шуғулланиш жуда огир. Ишга, мактабга, боғчага чархпалак бўлиб қолган Фотима қанчалик қийналмасин, норасидаларини ўз қулбасида бирорта ўқитмай яшаёт-

ганидан кўнгли кутариларди. Аммо тўсатдан уелининг тирикчилигида эга бўлмаган уйга қайнонаси эга чиқиб қолди. Жанжал—туполонга тоби йўқ Фотима қайнонасини қайғу—алам кўйида шундай қилаяпти, тушиб қолар, деган уйда болаларини олиб чиқиб кетди. Дарди набиралар эмас, уй—жой, мол—дунё бўлган Роҳатой ая шум нияти осонгина амалга ошганидан хурсанд бўлиб, югуриб—елиб Қарши шаҳар 1—нотариал давлат идорасига бориб, йиғлаб—сиқтаб уйни қизи Адолат номига ҳадя қилдириб олди. Лекин кампирни қуя турайлик, «Уй дафтари»да қайд этилган гудаклар ва Фотиманиннг ҳақ—ҳуқуқи нотариал ходимлари томонидан бир кунда поймол этилди.

Ўз уйдан ҳайдалган Фотима охири минг истиҳола билан судга мурожаат қилди. Ҳақсизликка чиқолмаган 15-20 чоғли маҳалла аҳли шу йилнинг мартада Қарши шаҳар суди томонидан қурилган уй—жой низоси ишида қатнашишди.

Суд Қарши шаҳар 1—нотариал давлат идораси ходими Матлуба Кенжаева тузган уй—жой ҳақидаги ҳадяномани бекор қилиш тўғрисида қарор

чиқарди. Вилоят суди бу ишни атрофлича ўрганиб чиқиб, ишни яна шаҳар судига қайта қуриш учун юборди.

Қупам мураккаб бўлмаган бу иш боши берк кучага кириб қолди. Бугунги кунда уйда ким яшапти, дерсиз. Ҳеч ким. На кампир, на унинг қизи Адолат яшайди. Аксинча, ижарага қўйилган бегона одамлар истиқомат қилияпти.

Маҳалла аҳли эса ая нафақат норасида гудакларни, балки жондан азиз фарзанди Мирзонинг ҳам руҳини безовта қилаётганидан нолиб юрибди. Ва биз ҳам Бустон маҳалласи фаоллар йиғилишида қатнашганимизда бу уй ҳақиқатан ҳам асида Сайфиева Роҳат номида эканлиги ва аянинг ўз розилиги билан угли Хайдаров Мирзо ва келини Фотимага берилгани, улар ўз куч—маблаг билан қуриб битиришганини тасдиқлашди.

Йиллар утиб, қуруқ жойда уй—жой бино этган ва руйхатда 11 йилдан буён бўлган угил ва келин, неваралар бир кун келиб бошларига бундай савдолар тушишини билмасди.

Ҳали она сути оғзидан кетмаган гудакларни бошпанасиз қилиб қўйган шафқатсиз бувининг қилмишлари қайси тарозуда улчанади?

Дилбар САФАРОВА

Ойша (р. а.)дан: «Расулulloҳ (с. а. в.) «уйларидан нима қилар эдилар?» — деб сураганлариди, у: «Уй хизматлари билан машғул булар эди, намоз вақти бўлганда таҳорат олиб намозга чиқиб кетар эди», деб жавоб берган. (Муслим ривояти.)

Абдуллоҳ бин Ҳорис (р. а.): «Расулulloҳ (с. а. в.)дан табассуми купроқ кишини кўрмадим», — деб ривоят қилади. (Ат-Термизий).

Анас (р. а.) ҳикоя қилади: «Расулulloҳ (с. а. в.) одамлар ичида энг хулки чиройли киши эди. Менинг бир ёши кичик Абу Умайр деган укам бор эди. Унинг Нугайр исми бир қуши — чумчуғи бор эди. Чумчуқ касаллаб қолди. Расулulloҳ (с. а. в.) болани кўрганда унга лутф қилиб: «Ё Умайр мо фаёлан Нугайр», — яъни «Эй Умайр Нугайрга нима қилди», — дер эди. (Ал. — Бухорий).

Расул саллоллоҳу алайҳи васаллам шамоилларидан маълумки, у киши сахий, бирор нарсага бахилик қилмаган: ҳақ сўзни айтишдан қайтмайдиган шижоатли, бирор ҳукмда жавр қилмаган одил ва умуман ҳаётининг ҳамма лаҳзаларида ишончли, содиқ — ростгўй киши бўлганлар.

Оллоҳ таоло барча мусулмонларга у кишининг ана шу шамоилларига эргашишни буюриб: — Эй муминлар, сизлар учун — Оллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган, Оллоҳни қўл ёд қилган кишилар учун — Оллоҳнинг пайғамбари (иймон-этиқоди ва ҳуқуқ-атвори)да гузал намуна бордир, — дейди. (Аҳзоб-21) Қози Йез бундай дейди: «Набий (с. а. в.) одамларнинг гузалроғи, саҳоватлироғи ва шижоатлироғи эди. (Аҳзоб воқеасида) Мадинада кечаси дод-вой товушлари эшитилиб қолди. Ҳамма товуш чиққан томонга югурар эди. Расулulloҳ (с. а. в.)ни уша томондан, бўйнида қилич, Абу Толҳанинг яланғоч отига минган ҳолда, ҳаммадан олдинроқ бориб хабарни билиб келатганда учратдилар. У зот: «Қўқманглар» — дер эди.

Алий (р. а.): «Биз, жанг қизиб, асаблар таранглашганда Расулulloҳ сабабли ҳимояланар эдик — душманга энг яқин турган — шу киши булар эди», — деди.

Жобир бин Абдуллоҳ (р. а.)дан ривоят қилинади:

— Расулulloҳдан ниманики сўралган бўлса, ҳеч қачон «йўқ» демаганлар.

Ҳадича онамиз бир кун ул зотга қараб: «Сиз бечораларнинг юқини ен-

гиллатасиз, йўқсилларга ёрдам бера-сиз, мусибатли кишиларнинг гамлари-ни бўлишасиз», деди.

Бир кун Расулulloҳ (с. а. в.) олди-ларига 70000 кумуш танга келтири-либ, буйра устига тукилди. Сунг у киши ўрнидан туриб келди ва бу пуллари бирон сураган кишини ку-рук қўймай тақсимлади. Бушагандан кейин бир киши келиб, у ҳам пулдан суради: Шунда у зот: «Ҳозир ҳеч нарса қолмади, менинг номимдан қарз олиб тур, яна бирор нарса келиб қолса узармиз», — деди. Умар (р. а.) унга: «Оллоҳ қодир бўлмаган нарсасга маж-бур қилмайди-ку», — деганда Расулulloҳга бу сўз ёқмади. Шу вақт ан-сорийлардан бир киши: «Беравер. Зул-Арш (Оллоҳ) камбағал қилиб қўяди деб қўқма», — деди. Расулulloҳга табассум югуриб, юзи ёришгани би-линдиди ва: «Мен шунга буюрилган-ман», — деди.

Муҳаммад ҲАЗЗОЛИЙ

АФЗАЛ ОЛАМ САРИ

Расулulloҳ (с. а. в.) дустларни бир-бирига улфат қилар, нафратлантормас эди. Ҳар бир қавмининг улугини ҳур-мат қилар ва уз қавмига валий (бош-лик) қилиб қўяр эди.

Шу билан бирга, одамлардан очик юзи ва ҳушмуомаласини аямагани ҳол-да, улардан узини эҳтиёт қилар ва қуриқланар эди.

Ким у киши билан бирга утирса, е бир ҳожат билан яқинига келса сабр билан тинглар, то у зоти кетгунча туриб кетмас эди.

Ҳожатини сураган кишиларни ал-батта ҳожатини чиқариб, ёки илоҳи бўлмаса, ширин сўз билан жунатар эди.

Одамлар учун у зоти уи ва хуқини кенг қилиб, улар учун гўё отадек бўлиб қолди, улар у зотнинг олдида суҳбат ҳуқуқида барабар эдилар.

Доимо очик юзли, хуш табиятли, ёки юмшоқ, дағал ҳам, купол ҳам эмас, бақироқ ҳам эмас, ёмон сўзлар-ни сузламас, бировни ҳадеб қойийвер-мас ва мактайвермас эдилар. Хуллас, у кишидан ҳеч ким ноумид бўлмас эди. Ойша (р. а.) ҳикоя қилади: «Расулulloҳ (с. а. в.)дан хушхуқроқ киши йўқ эди. Дустлари ёки аҳли байтларидан бирор киши чақирганда доим «лаб-бай» деб жавоб берар эди».

Жарир бин Абдиллоҳ (р. а.) айтиди: «Мусулмон булган кунимдан бошлаб, Расулulloҳ (с. а. в.) мени ўз қабулидан қайтармаган(лар) ва қачон мени ку-са(лар) табассум билан қарши олар эдилар. Асҳобларини хурматлаб энг яхши номлари ва куньялари билан чақирар эди. Агар улардан бири гапи-раётган бўлса, гапини тугатиб ўзи туриб кетмагунча унинг сузини бўл-мас эдилар». Ҳазрати Анас (р. а.) ҳикоя қилади: «Агар унга бир ҳадя олиб келинса «буни фалон аёлнинг уйига олиб бориб беринглар, у Ҳадичанинг дугонаси эди. Ҳадичани яхши кўрар эди», — дердилар. (бу Ҳадича онамиз вафотидан кейин булган — муаллиф)

Ойша (р. а.) айтиди: «Ҳадичага рашк қилганчалик ҳеч бир аёлга рашк қилган эмасман. Уни Расулulloҳ куп гапирар, қўй сўйилса дарров унинг дугоналарига ҳадя қилиб юборар эди».

Бир кун унинг синглиси бизники-га кириб келди. Расулulloҳ (с. а. в.) жуда хурсанд бўлиб, чиройли саволлар билан унинг ҳоли-аҳволини суради-лар. У кузатиб чиқиб кетгач: «Бу аёл Ҳадичанинг даврида келиб турар эди. Уша ёски хушмуомалани давом этти-риш иймондандир», — дедилар.

У зот қариндош-уруғларининг ҳоли-дан хабар олиб турар, лекин уларни ошириб юбормай, ўз мартабасида сақлар эдилар».

Абу Қатоъда (р. а.)дан ривоят қили-надики, Мағриб (ҳозирги Ҳабашис-тон) подшоҳи томонидан вақиллар келганда Расулulloҳ (с. а. в.) уларга уларга хизмат қилиб қолдилар. Саҳо-балар: хизматни биз ўзимиз қиламиз деганда: «Улар бизнинг дустларимизга (қийинчилик даврда) хизмат қилган. Мен ҳозир шуни узмоқчиман», — деб жавоб берганлар.

Абу Умома ҳикоя қилади: «Бир кун Расулulloҳ (с. а. в.) асога таяниб чиқиб қолдилар. Барчамиз ўрнимиз-дан турдик. Шунда у зот: «Ажаллар бир-бирини улуғлаб ўрнидан турган-дек, менга ўрнингиздан турманг. Мен ҳам утириб-турадиган, еб-ичадиган бандалар каби бир бандаман», — деди-лар».

Уловлардан эшакка минар, бечора-

Руҳият жаҳоҳирлари

ларни бориб кўрар, камбағаллар билан утирар, дустлари билан қаерда жой бўлса, шу ерда аралашиб утирар эди-лар.

Бир марта Расулulloҳ (с. а. в.) ҳажга, устига тўрт тангалик ҳам кел-майидиган бир латта ёпилган қари бир эшакка миниб борган ва «Илоҳий менга риб ва сўмба (овоз)сиз ҳажни насиб қил», — деб дуо қилганлар.

Макка шаҳри олинганда Расулulloҳ (с. а. в.) мусулмон аскарлари билан ҳаҷир устида кириб келдилар. Оллоҳга тавозуъ қилиб бошлари шу қадар қуйи ёгилган эдики, эгар қоши-га тегай деб турар эди. Куб ўринларда сукут қилар, беҳожат гапирмас, хунук сўз сузлаганлардан юз утирар эдилар.

Кулганда (шарақламай) табассум би-лан кулар, сузлаганда дона-дона қи-либ, сузларни оширмай ва камитмай сузлар эдилар. Саҳобалар ҳам унга эргашиб ва ҳурматлаб кулсалар, фақат табассум билан кулар эдилар.

Расулulloҳ (с. а. в.) суҳбатлари ҳалимлик, омонатдорлик ва яхшилик асосида ўтар эди. Суҳбатдошлари гўё бошларида қуш қўниб тургандек жим-жит утириб, унга қулоқ солар эдилар. Ҳеч ким овозини баланд кутармас эди.

Юрганда йиғиштириниб юрар эди-лар. Юрганда эриниб юргани ҳам, зарда билан юрганлари ҳам билинмас эди. Ибн Абий Ҳола (р. а.) айтидики: «У зотнинг сукути мулоимлик, эҳ-тиёткорлик, уйлаб-фикрлаб қуриш би-лан булар эди».

Ойша (р. а.) онамизнинг айтишича, у зот сузлаганда шу қадар салмоқ билан гапирардики, ҳисоблайман де-ган одам бемалол сузларини ҳисоблай олар эди.

Расулulloҳ (с. а. в.) хушбўйлик нарсаларни яхши кўрар ва куп ис-теъмол қилар эдилар...

Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва-саллам мол-дунёга рағбат қўймаган эдилар. Ислон давлати қурилиб куп жойлар олиниб, оёқлари остига куп бойликлар тукилди, лекин Расулulloҳ (с. а. в.) вафот қилганларида жангда қиядиган совуғлари бир яху-дийга пул эвазига гаровга берилганли-ги маълум бўлди...

Арабчадан Шомуҳаммад Шононус ўғли таржимаси

БАНДА ВА СИЙЛАЙИ РАҲМ

Одоб манбаи

Аллоҳ таолонинг Куръони Каримда ва Ҳадиси шарифда қайд этилган ном-лари 99 та бўлиб, биринчиси Аллоҳ (Тангри) бўлса, иккинчиси ар-Раҳмон (ута меҳрибон), учинчиси эса ар-Раҳим (ута раҳмдилдир). Парвардигор-нинг ўзи бандаларига шунчалар меҳ-рибон ва раҳмдил бўлиши билан бирга бандаларидан ҳам шунга қатъий талаб қилади.


Яқинда Тошкентнинг жанубий вок-залида бир қадди букилган чол билан танишиб қолдим. Сурхондаредан экан. Навбатда турганимни кўриб «Болам, битта чипта олиб бергин», деб илтимос қилиб қолди. Худди дадамга ўхшаб кетади, қотмадан келган. Чипта баҳо-насида гаплашиб қолдик. Айтишига

қараганда, угли шу ерда ўқиб, уйла-ниб, бола-чақали бўлиб кетган. Наби-раларини кўргани келган чол бир ҳаф-та уларникида турган, углининг ни-ҳоятда бандлигини, келинининг эса носамимий муносабатларини қуриб юраги сиқилиб кетган. Ниҳоят, қалби-даги олам-олам юк билан чол ортига қайтапти. Ўқиб катта одам бўлиб кетган угил эса «зайнит»лигини руқач қилиб, ҳатто кузатгани ҳам чиқмапти. Қаранг, қандай оқибатсизлик. Фақат-гина бир оёғи турда бўлиб турган падари бузрукворга ҳам шундай муно-сабатда бўладими, одам.

Оқибат, меҳр-шафқат ва сийлайи раҳм ҳислари инсонда болалигидан

уйғотилиши лозим. Узидан катта-га салом бермаган, кексаларга жой бушатмаган, йиқилиб қолганда тургазишга ёрдамлашмаган, ит, му-шукка озор берадиган болаларни-нг ҳатти-ҳаракатлари арзимасдек туюлиши мумкин. Аммо, бундай ғайри-инсоний одатлар секин-се-кин ривожлана бориб шахснинг инқирозига сабаб бўлишини хо-тирдан фаромуш қилмаслигимиз лозим. Зеро, Расулulloҳ С.А.В. айтганларидек, «Ким раҳмдиллик қилмас экан, раҳмдиллик кўрма-гай!»

Алишжон ЗОҲИДИЙ



Баҳодуддин Нақшбанд масжиди пештоқидаги нақшлар

Иншолар танловиға

Қасрда муҳаббат бўлса, у ерда садоқат, ишонч бор. Қасрда ишонч борки, у ерда иззат, ҳурмат бор. Қасрда ҳурмат, меҳр-оқибат борки, у ерда албатта тинчлик, хотиржамлик, қувончу бахт бор.

Оллоҳ узи яратган бандасини яхши йўлга боғлайди. У уз бандасининг тоқ қолмаслигини истайди. Шу сабабдан у бандасига муқаддас эшикни, яъни «Оила» деб аталувчи улуг қурғон эшигини очиб берди. Бу қурғон чиндан ҳам муқаддас.

Оила исломда муқаддас саналади. Пайгамбаримиз Муҳаммад С.А.В. энг масъулиятли дамлларда ҳам оилаларига меҳрибончиликларини ёддан чиқармаганлар. Улар: «Сизларнинг энг яхшиларингиз, оилангизга меҳрибонрогингиздир. Мен оиласига меҳрибонларнинг энг

чи ишонч, ҳурмат, сабр-тоқат, меҳмурувват, садоқат ҳеч қачон сунмаслиги керак. Оилани севишлик, ҳусусан иймонли, ҳидоятли бўлишлик ҳар бир эр ва хотиннинг бурчидир. Уни ҳамisha сақлай олишни билиш керак. Унинг калити қасрда? Бу калит инсоннинг уз қалбида, бу калит — Оллоҳ инъом этган яхши фазилатлардир.

Шундай воқеалар руй берадики, инсон ақлига сизмайди. Эр-хотин бир ётиққа бош қўйиб яшаб келсалару, ширин фарзандларининг ота-онаси бўлсалару, арзимас сабабларга кура ажра-

ОИЛА—МУҚАДДАС ДАРГОҲ

яшисиман», — дея фахр қилган эканлар. Дарҳақиқат, у киши ҳар нарсалда барча мўмин-мусулмонларга урناк бўлганларидек, оилаларига меҳрибонликда ҳам урнак эдилар. Аслида оила нимадан юзага келур? Икки ешнинг кузи бир-бирига тушиши, иккисининг юраги бир-бирига талпиниши, қалбларда қандайдир туйғунинг тинмай қуйлаши. Бунима узи? Икки инсоннинг юрагида заррин нурларини сочган бу туйғу — севи, муҳаббат туйғусидир, бирдан икки қалбга урнаниган оташ меҳрир.

Ҳа! Кўнгли қўйиш, совчилар, нон ушатишлар, ниҳоқ, зориқиб қутилган висол. Нақадар гузал чоғлар, нақадар ҳис-туйғу-га бой дамллар. Инсон ҳаётида бир марта ба руй берадиган қувончли онлар. Уша қуни ҳис-ҳаяжонга тулган юрак қувончдан нотирлайди, ёшларга билдирилган яхши тиллақлар, илиқ дуолардан қалблар нурга тулади.

Оила ҳамisha мустаҳкам бўлиб қолиши учун, оилада энг юқори уринда турув-

шиш тўғрисида судга ариза топширсалар. Наҳотки, бир пайтлар бир-бирларига берган ширин ваъдаларини унутиб қўйсалар. Орада эса муҳаббатлари меваси бўлмиш фарзандлари сарсон қолса, бир қанотидан айрилиб уца олмаётган қўнчадек мўнгли қўзлари ё отага, ё онага бир боқиб, қай бирига талпинишини билмай вужуди қийналса.

Наҳотки, инсон қалбига лаънати шайтоннинг қўл солиши шунчалик осон бўлса. Парвардигорнинг узи асрагин ҳар бир оилани бундай қўрғунлиқдан. Ҳеч кимнинг боши узра порлаб турган қўеши, яъни, бахти сунмасин. Оила, сенинг муқаддаслигининг барча ешу-қари англаб етсин. Дунёда барча нарсани бойлик билан сотиб олиш мумкин. Лекин йўқолган оила бахтини пул, молу-мулк билан ҳам асло тиклаб бўлмас.

Қамола ХОЛМУРОВА,
Тошкент шаҳридаги 235-мактабининг 9-синф ўқувчиси

... Кўнларнинг бирида... Оғзи шалоқ автобусчи эшикнинг тагига туриб олган, ҳаммадан битта қолдирмай пул йиғиб оларди. Машҳура сал охирикда турар, юрагига ваҳима тушар, уятдан нима қилишини билмасди. «Қанидди, ойнадан қўшлек учиб чиқиб кетсам», — деб уйларди қиз бечора. Сабаби...

Сурила-сурила у ҳам шофернинг олдига бориб қолди. «Амаки, ҳаменимини тушириб қўйибман», — деди секингина. «Менинг ишим йўқ, ҳамманглар шундай дейсанлар, давай пулни тула, тез бўл!» деб туриб олди ҳайдовчи. Машҳуранинг ортидан келаётган йигит икки кишилиқ билет олди-да, бирини Машҳурага узатди. «Мана олинг, бўлиб туради-да, уялма-нг», — деди.

Йигит шаҳардаги аллақайси ўқув юртида ўқирди. Бир неча маҳалла нарида яшайдиган бу йигитни Машҳура ҳар замонда қўриб қоларди. Шундан сўнг бир марта яна автобусда учрашиб қўлинидию, Машҳура ундан олдинроқ бориб иккита билет олди-да, биттасини йигитга узатди. Йигит ҳам қўлиб, «Ис «расчет» қилиясизми?» — деди. Автобусдан тушиб бирига гаплашиб кетинди. Кейинчалик Темур билан ораларида муҳаббат пайдо бўлди. Энди улар ҳар доим бирига қайтишарди. Қўшлекчилик-да, кеннойсининг қулоғига «Машҳурангиз фалончи билан юраётганмиш», — деган гаплар эшитилгач, унга ҳудо берди. Хуллас, уйга келиш азоб бўлиб қолди. Орадан куп ўтмай Темурларникидан совчи келди. Темурнинг ота-онаси уғилларини яхши қурав ва тушунар эдилар. Шунинг учун ҳам совчиларни бир неча бор қайтарини-са-да, барибир қизнинг уйига қатнайвердилар.

Машҳураликнида эса қўнлар уруш-

жанжалсиз ўтмайдиган бўлиб қолди. «Сингилчанг кеча ишга кириб бугун узига эр топиб олибди. Ҳали битта ҳам кийимлиги йўқ-ку, олдин ишлаб пул топсин-да, эр топгунча?» — дерди кеннойиси.

— Ота-онам сингилмининг сепини тайёрлаб кетишган, туйини қилиб берсам бўлди. Ҳатто, иккита гиламгача олиб қўйишган. Эсингдан чиқидми? Катта уйдаги осиглиқ гиламлар, мебеллар — бари шунки-ку, сенга нима оғирлиги тушяпти? — деди акаси.

ЎЙЛАМАДИНГМИ,

Кеннойисининг дами ичига тушиб кетди. Ахир, кийимларни аллақачон тиктириб қийиб бўлган, гиламларни беришнику, ҳаёлига ҳам келтирмасди.

Уч-тўрт марта шундай жанжалдан кейин, кеннойиси болаларини олиб онасиникига кетди. Акаси бориб олиб кела олмади. Кечкурун жаҳли чиқиб турган эканми, овқат олиб келган қосани унинг юзига отиб юборди. Бунни кутмаган Машҳура қотиб қолди. Ишонгани биргина шу акаси эди. Энди нима қилади? Юзидан оққан қонни артиб, уйдан чиқиб Санобарларникига борди, ундан илтимос қилиб Темурни чақириб беришни сурди. Акаси олиб Темур Тошкентдаги ҳоласиникига кетибди, эртага келармиш. Тарвузи қўлтигидан тушган қиз уйига қайтди. У севгани

МЕН

АЗИЗ

М?

билан гаплашиб кўнглидаги гашликини таркатмоқчи эди. Бу ҳам бўлмади. Бир оздан сўнг эшик тақиллаб, кеннойисининг онаси, акаси кириб келишди. Улар Машҳуранинг саломига алик ҳам олмай акаси етган уйга кириб кетишди. Бирпасдан сўнг уйда жанжал, бақир-чақирлар эшитила бошлади. Машҳуранинг акасини юмма талаб таппашди. Акасининг ёнига тушмоқчи бўлганди, унга ҳам бир-икки тарсаки тушди. Улар кетишгач, акаси Машҳурани уласи қилиб калтақлаб, бор ала-

мини сингилсидан олди. Машҳура тун ярмида уйғониб кетди. Негадир кўнгли хотиржам, равшан тортанди. Тушида раҳматли онаси билан отасини қўрибди. Улар Машҳурани қизалоқлик давридагидек уртага олиб, қўлларидан ушлаб етаклаб кетишяётганмиш, қулишиб кетишармиш. Бир пайт қараса, олдиларида каттакон қабристоннинг ҳайбатли дарвозаси пайдо бўлганмиш. Улар учқовлон гаплаша-гаплаша дарвозадан кириб кетишганмиш.

Машҳура урнидан туриб омборноҳадан помидор тузлашда ишлатишга олиб қўйилган сирка кислотасини топти. Кириб ухлаб етган акасини бир қўриб олди-да, қўлидаги илдинни шартта қўтариб ичиб юборди...

... Эртаси тобутнинг олдида ярим қа-

ҲАҚИҚИЙ

Фикр

ШАРҚОНА... ЛАЗЗАТМИ?

Мабодо бозорга, магазинга ёки бирон—бир гавжум жойга чиққудек бўлсангиз, «Малборо», «Палмалл», «Камел» ва шунга ўхшаш сигарета рекламаларига қўзингиз тушади. Тутри, қўнчилиқ бунга одатдаги ҳол сифатида қараш мумкин, лекин 10-15 ёшли болалар бундай рекламаларга бефарқ қарашмайди. Токи «Шарқона лаззат» билан «Гарбона лаззат»нинг мазасини тотиб, фарқиға боришмагунча қўймайди. Узимизда ишлаб чиқарилаётган, «Шубҳасиз бизники» бўлган «Хон»нинг рекламасини эшитиб, ҳайратдан еқангни ушлайсан, киши. «Олтин» сигарета чиқса, машинали бўлар эмишсиз.

Хўп, энди айтингчи, 12 яшар бола буни эшитиб, ширин ҳаёллар оғушида, машина миниш орзусида, «олтин»ни

ният қилиб «Хон»ни сотиб олмайдими? Қарабсизки, у олтидан қиммат соғлигини пуч «олтин»га алмашган бўлади.

Шундай экан, сигарета рекламаларини тартибга солиш, иложи бўлса тақиқлаш вақти келмадимикан? Умуман, Олий Мажлисидаги депутат акаларимиз реклама туррисида бирор қонун яратишни уйлаб қуришса яхши буларди. Энг куп сигарета ишлаб чиқариладиган АҚШда чекишга қарши ташвиқот ишлари кенг миқёсда олиб боришмоқда. Биз эса Америкада қўнғинга учраган «Ковбой» ва «Туя»лар қадамига поендос ёзиб, қутиб олаётганимиз, бағримиздан жой бераётганимиз. Бу ҳолга «тавба» демай иложингиз йўқ!

Олим ЭШНАЗАРОВ,
Ғаллаорол тумани



В. ТАРАН олган сурат

Турмуш қорраҳаларида

рахт акаси тобутни маҳкам ушлаб олганича кетарди: тўе атрофда нима бўлаётганига тушунмаётгандек. Қўзлари киртайиб, бир неча соатдаёқ бир аҳвол бўлиб қолганди. Темурнинг онаси ҳам шу ерда эди. Аммо...

Уша машум кунда Темур Тошкентдан тушдан сўнг, қалбида бир ширин эзгу ҳислар оғушида келди. Онаси берган пулга иккита тилда ниҳоқ узуги сотиб олганди. Менга Машҳуранинг сепи керакмас, узи керак, дерди у. Онаси эса «Майли ўғлим, бир уйни яхшилаб яса-тиб бераман, туларингни қилаверамиз, мол-мулк топила», — деганди. Темур шу бугун Машҳура билан гаплашиб ниқоҳдан утишга қўндрмоқчи эди. Эшит-са...

У қабрни қучоқлаб йиғлар, ҳаёлан Машҳураси билан сўхбатлашарди. «Мени уйламадингми, Машҳур, сенсиз нима қиламан энди? Нима қилиб қўйдинг, жоним? Урф-одатимиз дединг, одамлар сепсиз келин, деб қулади дединг, барибир қулди одамлар. Сенинг поклитингдан шубҳаланди одамлар. Энди нима қилай, қайта борай, қайта ахир, энди сен йўқсан-ку!»

Йигит тинмай йиғлар, узича нималарнидир гапирарди. У жим бўлиб қолач, ёнига келиб утирган гўрков чол оҳиста тиловат бошлади. Ҳазин Қуръон тиловати жим-жит қабристон сукунатини бузди, тунд булутлар қоплаган осмондан шивалаб етгир ёға бошлади...

Басира САЙИД АЛИ



— Шукрулло ака, суҳбатимизни оила, фарзандлар тарбияси мавзусидан бошласак. Сиз ота сифатида фарзандларингизга қандай насихатлар бергансиз? Бугун невараларингизнинг кулогига қуяётган ўғитларингиз, пандларингиз нималар?

— Сиз қўйган савол, Муҳаммадҷон, ҳамма даврларда ҳам долзарб бўлиб келган. Тарбияга ҳеч қачон бефарқ қараб бўлмайди. Мана, газеталарингиз «Оила ва жамият» деб аталади. Оила бундай олиб қараганда, бутун бир жамият олдиди кичкина нарса. Лекин унинг жамият билан бир қаторга қўйилишида эса катта маъно бор. Негатки, оила ҳар қандай жамиятнинг асосини, негизини ташкил этади.

Замон узғариши билан жамият ҳам, демакки, тарбияга қўйиладиган талаблар ҳам узғаради. Ҳамма жойда ва ҳар бир соҳада рус тили биринчи уринга қўйиб келинганига қарамай, мен фарзандларимга она тилига муҳаббатни синдиришга интиланман.

Набираларимнинг кулогига эса ҳақгўй бўлиш, мустақил Ватанимизни севиш, халққа, миллатга фидойи бўлиш ҳақидаги насихатларни қуяман.

— Мухаббат, севги тушунчаларига қандай қарайсиз?

— Менимча, «удлим-қудлим, сен учун жонимни беришга, ўзимни қурбон қилишга тайерман», деган гаплар муҳаббатнинг асл моҳиятини очиб бермайди. Бу оҳ-воҳлар севгининг мезони бўлмайди. Осмондаги ойни ваъда қилишнинг нима кераги бор. Ундан кура, шу севгининг битта қўйлак олиб бера оласанми, шундан гапир.

Мен ҳам севганман. Лекин уша қизнинг барча орзу-хавасларини рўёбга чиқара олишимга қўшим етмасди. Шунинг учун ишлаб пул топиб, кейин уйланаман, деб Қорақалпоғистонга кетдим. Қайтиб келгунимча уни турмушга бериб юборишибди.

Демоқчиманки, ҳар бир йигит уйланишдан олдин узига «менинг касби корим борми, рўзгорни тебратиш қўлимдан келадими, шу қизгинанинг орзу хавасларини саробга айлантирмайманми?» — деган саволларни бериши керак.

— Шукрулло ака, сиз Ойбек, Фафур Ғулом, Шайхзода каби

етук адиблар билан бир ўсган, ҳамнафас бўлган ёзувчисиз. Айтинг-чи, ана шу инсонларнинг оилага муносабатлари қандай эди? Уларнинг қайси фазилатлари бугун ҳам бизга ўрнатқуч бўла олади?

— Кеча маҳалладан ўтиб келатсам, куча дарвоза олдини супураётган 15—16 ёшлардаги икки қизга қўшим тушди. Бири лозим кийган, бошида дурра, иккинчиси калта шортик кийиб

ни ҳар қанча урнатқуч қилиб қурсатса арзийди. Ҳар гал борганимда уларнинг бир-бирларини қадрлашларига, эҳтиёт қилишларига ҳавасим келарди.

— Кўнчилик яхши билади, сизни «халқ душмани» деб 25 йилга қамқоқ жазосига ҳукм этишган. Шу нарса оилангизга қандай таъсир этган? Фарзандларингиз тузумнинг бу ёлғончилигига ишониб қолишмаганми?

— Битта аниқлик қиларай: 25 йил эмас, 35 йил. Шундан 5 йилни қамқоқда ўтказиб, Сталин

ШУКУРЛЛО:

МАДАНИЯТЛИК ОДАМИЙЛАДАН БОШЛАНАДИ

олган. Шу иккаласига қараб одамда икки хил фикр уйғонади. Иккинчи қиз, у тарбияланаётган оила маҳалла-қўй кузига шу кийимда қуранишдан андиша қилмади. Сиз тилга олган адибларда эса андиша жуда кучли эди. Масалан, Фафур ака доим дўшми қилиб юрардилар. У кишига ҳатто «Нега дўшми қиласиз?» — деб таъна қилинган пайтлар ҳам бўлган. Лекин у киши оилаларидаги ўзбекона руҳга, ўзбекона тарбияга ҳеч қачон путур етказмагандилар. Замон зайлари билан «Менинг оғам рус бўлур», — деб шёър битишга мажбур бўлган булсалар ҳам, оилаларида кийиниш, муомала, юриш-туришдан тўғиб, дастурхон тузашгача миллийликка эътибор берадилар. Фафур аканинг яна бир одати фарзандларини мактабни яхши қўрардилар. Лекин мактабнинг орқасидан уларни дарров ишга солардилар. Узи ҳаётда мактабни яхши қўрмайдиган одам йўқ. Ҳатто болага ҳам мактав хуш эканди. Фафур ака, «бизнинг бола жуда меҳнаткашда, ҳар қандай ишни дундиради», — деб мактаб, сўнг гулларни қайчилашга ёки тағини юмшатишга буюриб юборарди. Бола узига айтилган мактавни оқлаш учун тиришиб ишга киришарди.

Ойбек ака билан Зарифа опаларининг уртасида эса ниҳоятда кучли ҳурмат, узаро ишонч, садоқат бор эдики, бу хислатлар

улғач, оқланиб чиқдим. Мен қамалганда аёлим учинчи фарзандимга ҳомилдор эди. Қамқоқда ётиб шундай гузал аёлга уйланишдан афсусланган пайтларим ҳам бўлган. Ахир, мен қамқоқда бўлсам, унга ҳамма эътибор беради, риё йўлига кириб кетмасмикан, деб ўйлаганман, азобланганман.

Хотиним, аксичча, «мен халқ душманининг хотини, деган иснодни қўтариб юришни истайман», деб мендан юз ўтирмади. Қийналиб бўлса ҳам болаларимга бош бўлиб ўтирди. Қамалатганимда «литфонд»дан минг сум қарзим бор эди. Рўзгордан, онасиликдан ул-бул нарсалар олиб чиқиб сотиб, шу қарзни узибди. Бу муҳаббатнинг, садоқатнинг қудратиди далолат бермайдими? Оила мустақамлигининг замини шунда эмасми?

— Шукрулло ака, ўйлаб шогирдларингиз бор. Сиз ёш бўлган давр билан ҳозирги пайтдаги устоз-шогирдлар муносабатларида қандай фарқларни сезасиз?

— Худого шукр, шогирдларим кўпчилиги билан фахрлансам арзийди. Лекин уша сиз тилга олган фарқлар бор. Биз — Саид Аҳмад, Шухрат, Туроб Тула, Мирмуҳсин ва бошқалар «устозни бир йўқайлик, суҳбатларини олайлик», — деб Фафур Ғуломниқига, Ойбек аканиқига, Мақсуд Шайхзодаликига тез-тез ўтиб турардик, ажойиб гуру-

нлар буларди. Ҳозир энди шогирдларимиз билан кўпроқ телефонда гурунглашамиз.

— Сизнинг ҳаётингизда ҳам янгамиз билан сан-манга борган ҳоллар бўлганми?

— Шунга ухшаш саволларни турли учрашувларда ҳам сурашди. Жавоб тариқасида бир шёър битганман:

...Емон одати бор: гап

бошлай десам,

Оғиз очиргани мен

қўймайди.

Энди биландирсиз, шунинг

учун ҳам

Бизнинг орамизда жанжал

бўлмайди.

— Шукрулло ака, маърифатли оила, маърифатли она, деган нимага тушунасиз?

— Кейинги пайтларда маърифат, маънавият ҳақида кўп гаплар бўлаяпти. Бу иккови бами-соли эт билан тирноқдек, бир-бириндан ажралмас тушунча. Энди, маърифатли, маданиятли одам дегани, биринчи галда, бамаъни одам деганидир. Оила маърифатли, маданиятли бўлиши учун унинг аъзолари одий маълумотли бўлиши шарт эмас.

Мана, қадимги вақтларда оталаримиз, оналаримиз «Ҳафтияк»ни, «Ясавий»ни, Суфий Оллоени, Саъдийнинг «Ғулистон» кабиларини ўқиган. Шунда ҳам кўпроқ бир даврага йиғилиб, бир киши ўқиган, бошқалар тинглаб ўтирган. Бирор бир мадрасани битирмагани учун уларни маърифатсиз, маданиятсиз дейишга ҳеч қандай асосимиз йўқ.

Маданиятли, маърифатли оила бўлиши учун фарзандларимизга инсонийликдан — узаро ҳурмат, ишонч, одоб, тавозеелан сабоқ беришимиз керак. Баъзи келинлар бор, қаёққа кетаётганини қайнонасига айтмайди, ешлар бор транспортда катталарга жой бермайди. Шу уринда бир нарсани айтмоқчиман, балки буни газетага езиш нотўғри бўлар, яна биламдими. Метродами, автобусдами кузатсангиз, кўпчилик ўзбек йигит-қизлари узидан каттага дарров жой беради. Бу одам русми, корейсми, яхудиёми қарамайди, ҳурмат қилиб урин бўшатаяди. Лекин русларнинг узида эгоизм шу қадар кучлики, ҳатто туққан онасига ҳам жой бўшатмаслиги мумкин. Мана шунда инсоннинг қадру қиммати, ҳурмати билинади.

Уз илми, амали, бойлиги билан мактабини, манманлик қилиш маънавий қашшоқликнинг белгисидир.

— Болаларимизни нимадан эҳтиёт қилишимиз керак, деб

Дийдор

уйлайсиз?

— Қийпик ниҳолдан турғи дарахт унишини қутиб бўлмайди. шунингдек болани елғончиликдан асрашимиз керак. «Мактабда эдим», деб аслида қинога кириб, кучада тентираб келиб, ота-онасини алладими, та-мом, бу боланинг тарбияси бузилгани шу. Фарзандларимиз тур-рисуз, ҳалол, эътиқоли бўлишга ҳаракат қилишимиз керак.

— Бозорда юрган болаларга қараб ҳаётингиздан нималар кечадими?

— Пул топишга интилиш айб эмас. Лекин ҳамма гап ана шу пулни қандай қилиб, нима мақсадда топишда. Менинг ўзим 15—16 ёшларимда елганиб меҳнат қилганман. Чунки ота-онам кексасиб қолишган, рўзгорга, техникумда ўқирдим, еб-ичишимга, кийим-кечагимга пул топардим.

Яқинда елганиб ишлаб юрган бир йигит билан гаплашиб қолдим. Вилоятдан келган экан. «У ёшларда қилсангиз бўлмайди, шу ишни?» — деб суралди. «Таниш-билишлардан уялман», — деди. Ана қурднингизми, одам пул топишда уз қадрини, андишани ҳам унутмаслиги керак экан.

Уша ривожланган мамлакатларда ҳам пулдорлар болаларини еллитилан меҳнат қилиб пул топишга ургатади. Мен Америкага борганимда Абдураф Максудийнинг хонадонига меҳмон бўладим. У кишининг ўғли Саидмансур ушанда беш тилини билишини, ўқидан таътилга чиққан пайтлари ишлаб пул топишини айтганда хайрон бўлиб: «Отангиз пул бермайдими?» — деб сўраганман. «Берадилар, лекин мен ўз меҳнатим билан пул ишлашга ҳаракат қиламан», — деганди Саидмансур. «Отанинг пули кўп», — деб маппинани миниб ялло қилиб юрaverишга ҳам мумкин эди-ку. Йўқ, улар еллитилан меҳнатсеварликни, мустақилликни ургатишади.

Куча-қуйда сиргата, сақич еки «кока-кола» сотиб ўтирган билан келажакни таъминлаб бўлмайди. Биринчи галда имла, замонавий фанларни, техникаларни эгаллашга интилиш керак.

— Шукрулло ака, янгамиз 45 йил мактабда ўқитувчилик қилган эканлар. «Ўқитувчи — иккинчи она», деган фикрга қандай қарайсиз?

— Ўқитувчининг қадру-қиммати ҳақидаги жуда мукамал фикрни Шайх Саъдий айтиб ўтганлар: «Ота-онанинг меҳридан устозининг жабри афзал». Муаллимга буцдан ортққ баҳо бериб бўлмаса керак.

— Тахририятимизга таширф буюриб, дилдан гурун берганингиз учун раҳмат. Ижодингизга барака тилаймиз.

Суҳбатдош: Муҳаммад ИСМОИЛ

Заҳар кишини улдиради. Аммо, у табиининг «Ваъда — қиёмат қарз», дейилади. қўлига тушса — шифо.

Ноаҳиллик элдан қут-баракани қўтариб, давлатни путурдан кетказувчи даҳшатли офатдир.

Инсон учун энг муқаддас фазилатлардан бири — ваъдага амал қилиш. Ҳадиси шарифда ҳам

«Ваъда — қиёмат қарз», дейилади.

Одамнинг одамлиги, фақат одамнинггина эмас, ҳаттоки халқларнинг қандайлигига, уларнинг қиёфаси, икки сўз билан айтганда, «обод» ва «барбод» деган сўзларга муносабати билан белгиланади. Мана шу икки оғиз сўзда унинг маданияти ҳам, илм-

маърифати ҳам, онги ҳам ўз ифодасини топади.

Майдадан йирикни, уткинчидан боқийни фарқ этган, ҳаёт ва улим ҳақида фикр юритган ва унинг сирларини теран фаҳм этган ижодкоргина улмас ва боқий асарлар ярата олади.

Шукруллонинг «Қасоси дунё» китобидан



СПОРТ —

ДАРОМАД МАНБАИ

1996 йилнинг энг бой спортчилари номи эълон қилинди. Машҳур боксчи Майк Тайсон атиги уч марта рингга чиқиб, 75 миллион доллар ишлаб олди ва биринчи уринни забт этди. Миллий Баскетбол Ассоциациясининг ёрқин юлдузи Майкл Жорданнинг даромади эса 52,6 миллионга тенг. Учинчи ўринда эса немис автопойгачиси Михаэл Шумахер. У «Формула-1» да қатнашгани учун «Феррари» фирмасидан 25 миллион доллар гонорар олди. Бунга яна рекламдан келадиган 8 миллионни ҳам қўшасиз.

ЭНГ ГЎЗАЛ ЛАБ

АҚШда ун еттинчи марта «йилнинг энг гузал лаби соҳиб» танловини ўтказишди. МБА юлдузи Деннис Родман «Энг ҳиссиётли лаб», тренер Гари Барнет «Энг қизил лаб», енгил атлетикачи Майкл Жонсон эса «Ўзига хос лаб» соҳиблари, деб топилдилар.

ПЕЛЕ ҚИЗИҚҚОН

Халқаро экспертларнинг ҳулосасига кура футбол кироли Пеле спортчилар ичида энг қизиққони деб топилди.

ШОШГАН ҚИЗ

Германиянинг Рио шаҳарчасида «Шошган қиз...» номли мусобақа ўтказиб турилади. Унинг шартига кура 100 метрни бир саатда босиб ўтиш керак.

ОДИССЕЯ ДАВОМ ЭТАДИ

Утган ҳафта машҳур океанолог олим, дунёдаги деярли барча йирик сув ҳавзаларининг усимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида оммабои ўқув филмлари яратган тадқиқотчи Жак Ив Кусто оламдан ўтди. Бизда купчилик уни «Кусто команда»сининг сув ости «одиссеяси» филмлар туркуми орқали яхши билади. ЮНЕСКОнинг кўмагида тузилган «Кусто жамияти» эса экологик тарбия ва билимларни тарғиб қилиш билан шугулланади. Мотам маросимида қатнашган дўстлари ва маслакдошлари Кустонинг сув ости одиссеяси давом этади, деб ишонч билдирдилар.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

Хурматли Кенжа
ЎСМАНИЮВ!

Сизни 11 июл — 55 ёшингиз билан табриклаймиз ва соғлиқ тилаймиз деб,

А.Б. У.К.Оқтулли қишлоғи

Хурматли биродаримиз РИХСИВОЯ ва МАЪМАРАХОН!

Суюкли набираларингиз Мухлисaxon ва Сардоржонлар муборак бўлсин. Аллоҳга шукрона сифатида қилаётган Ақиқа ибодати билан табриклаймиз. Яратгандан оилангизга ҳидоят беришини дуо қилиб тургувчи кўшниларикингиз

Ҳабибуллоҳ, Мавлуда.

Тошкент шаҳри, «Хувайдо» маҳалласи

Тарбия

БОЛАГА АЙТМАНГ...

Бир неча кун болакайнинг оғиздан фақат «справкалар керак» сузи тушмади. Мана ҳужжатлар ҳам тури бўлди. У боғчадаги тенгдошларига тезда қўшилиб кетди. Бу ердаги олма, олчалар чизилган илгичлар, уйинчоқлар тула шкафлар ва умуман жуда кўп болалар, тарбиячилар учун унинг диққатини жалб қилди-ки, ҳатто ойисининг кетиб қолганини ҳам пайқамасди! Бу ерда ҳамма бир вақтда кичик стулчага утириб овқатланишди, бирга сайр қилишди, бир вақтда кичик кроватчаларда етишди. Қандай яхши...

Биринчи кун тарбиячи опа хонадан чиқиб кетиши билан, уштанги тухтаб туполонни бошлади. Бошқа бир сафар урқоқлари кубиклардан қурган уйини бузиб юбор-

гани билан мақтанади. Ана шу лаҳзаларда катталар унга бу иш нотугрилиги ҳақида тушунтирса у кўпчилик орасига ҳурмати билан қиради, аксинча у зуравонликка қизиқа бошлади. Бу иш учун албатта уни уришади. У ҳам уради. Агар эртасига онажониси тарбиячи билан жанжаллашиб, уелининг енини олса, унга ҳамма нарсамумкинлиги, ҳаммадан У устуниги ҳақида нотугри хулосага келиб қолади ва «ҳаётда ҳамма нарсани ақл ва тарбия эмас, балки куч ҳал қилади» деб ишона бошлади.

Кейинги кунларда болакай онасига эргашиб йиғлашни одат қилди. Шунда тарбиячилардан бири Уни урқоқларига курсатиб: «Қара, у йиғламайди. У суз берган ва

33 ёшда

Олий маълумотли, келишган, соғлом, зарарли оdatлардан холи, тушунган, маланиятли йигит. Ҳаётда умр йўлдоши, оилани ҳар нарсадан улут ҳисоблайди. Ўзига муносиб баркамол, ибони 33 ёшгача бўлган қиз ёки жувон (1 фарзанди бўлса ҳам майли) билан оила қуриб бахтисаодатли бўлишни истайди.

«Оила—476» (манзили тахририятда)

Оила

сузини устидан чиқали», деди. Барчанинг кўзи унда эди. У йиғламади. Биринчи марта катталардек ёшнин ютди. Лабларини қимтиб, йиғламаслиқни уйдлади.

Бутун боғчада тушликка каша беришди. Каша бизнинг эркатойга ёкмади. Унинг етиси келмади. Шунда боғча опа иккита бир хил тарелкаларга бир хил микдорда каша солдирди ва «ҳоҳлаганингизни танлашинг мумкин», — деди. Болакай танлаш ҳуқуқи берилганидан севиниб тарелкалардан бирини олди ва сурди, кашани еб тутатди ва ошпаз хонага раҳматлар айтди.

Бир кун боғчада «Эртага байрам, уйла ота-онангиз билан байрам қи-

ласиз, боғчага келмайсиз», — дейишди. Болакай сеҳрли «эртага» сузини эслаб қолади. Бу сузни у кўп эшпатган. «Эртага ҳайвонот боғига борамиз», «Эртага Сента шоколад келтирамиз», «Эртага меҳмонга борамиз», «Эртага яхши мультфильм бор» ва ҳ.к. У уйига келиб хабарни дарҳол ойисига етказди. Шунда онаси сураб қолади «Эртага дегани нима?». Болакай жавоб беради: «Эртага — бу қоронғуликдан кейинги кун». Ҳа, болакай ҳақ. Эртага — барча орузларимиз ушаладиган ерун кун. Зотан болакайнинг ўзи — эртамиз.

Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ,
ўқитувчи

ПАКЕТЧАЛАРДА ОМАД!
БОЙИШГА ИМКОНИ

«ИНВАЙТ+» ва «ЭЛИС», сотиб олинг, сув қўшинг ва ўйинимизда иштирок этинг!

“Инвайт—Приз” ўйини
15 июлда бошланади!

“Инвайт+” ва “Элис”га сув қўшсангиз бўлди, ажаойиб яхна ичимлик пайдо бўлганидек, совра аларимизни ҳам ютиш нўнчалик осон.



“Элис”нинг 10 та бўш пакетчаси ёки “Инвайт+”нинг 10 та бўш пакетчаси қўйилган манзилга юборсангиз: Тошкент, 700000, Бошпочтамт, “Инвайт—ПРИЗ” ўйини ёки конвертигизни Олоё бозори Марказий павильонига ташлаб ўтсангиз, бас.

МИНГТА СОВБА!

ЖАҲОННИНГ ЕТАКЧИ ФИРМАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН ТЕЛЕВИЗОРЛАР, ОШХОНА КОМБАЙНЛАРИ, ТОҒ ВЕЛОСИПЕДЛАРИ, РОЛИКТИ КОНЬКИЛАР, ЎЙИН МОСЛАМАЛАРИ, АУДИО ВА ВИДЕОТЕХНИКА ҲАМДА КЎПДАН-КЎП ЗАРУР ВА ФОЙДАЛИ БУЮМЛАР, ШУНИНГДЕК

“ИНВАЙТ—ПРИЗ” ЮТУҚЛАРИ 1997 ЙИЛ 17 АВГУСТ ВА 28 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ЎЗТВ ОРҚАЛИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ. ЮТУҚЛАР НАТИЖАЛАРИ ГАЗЕТАЛАРГА ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ. МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 77-17-46, 77-80-12 СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!



Супер NEXIA автомобили
«ИНВАЙТ—ПРИЗ»

БИЛАСИЗМИ?

Мексикада усаётган энг кекса «Санта Мария» дарахти 4000—5000 ёшда бўлиб, танасининг айланаси 49 метрга етади. 27 киши қўл ушлашиб унинг танасини «қучоқлаши» мумкин.

Ер юзидаги кичик гул — Волффиядир. Ундан ташқари Волффия жуда кам гуллайди. Баъзи ботаниклар шу усимлик гулини қуриш ниятида бутун умрларини сарфлаганлар. Бу гулнинг катталиги тугноғичнинг учидек келади.

Дунёда энг биринчи бўлиб резинали (каучукли) пойафзалларни Шимолий Америкада яшовчи ҳиндлар кийган. Резина (каучук) сақловчи дарахт ва буталардаги суюқликни оёқ формаларидаги қолипларга солиб «Моккосини» деб юритилган пойафзал тайёрлаганлар.

Тўловчи: Музаффар
НАБИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Оила ва жамият» газетаси тахририяти қўмита раиси ўринбосари Дилобар ҚОБУЛОВАга отаси Насим НОРОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ва ҳамдардлик билдирди.

СИЗДАН КЕЙИН БОЙ БЎЛМАДИМ, ЖОН ОНАМ

Меҳмонхона деразасидан бу-
ралаб ёғатган қорға тикилган
нича ҳаслга толган Хуршида,
дуноасидан «Янги йил» сузини
эшитиб, сесканиб тушди. Вой,
бирпасда янги йил келиб қолса-
я! Беихтиёр бувисининг ўтган
янги йил кунидаги упкалашлар-
ини эслади...

— Кизжоним-эй, бирор мар-
та янги йилни бувим билан ку-
тай, демасан-а! 25 йил бўлиб-
ди-я...

— Куевингиз оилавий байрам
дегани учун...

— Майли. Эр амри вожиб.
Ишқилиб догинни кўрмай. Бир
кунлик тўйимда «онамлаб» ту-
радиган узингсан, болам.

— Сухроби ҳалиям ухлайшти-
ми?

Тўнгич ўғли бувиси билан ту-
рарди. Ёлғиз қизи узидан ку-
пайиб, тиниб-тинчиган эсада,
камшир уни деб мол-ҳол боқар,
Хуршиданинг уйдан сут-қатик,
қаймоқ узилмасди. Сухроби ма-
на, ун йилдирки, энаси билан,
икковлон томорқа таталашади,
мол-ҳолга қарашади. Аслини ол-
ганда, камшир набираси мак-
табдан қайтгунча, тивир-тивир
қилиб, унга иш ҳам қолдир-
майдими, боланинг борлиги ҳар-
на тўтқи ёлғиз одамга. Бувиси
қизининг сумкасига нон, сут-

қатик жойларкан, саволни ту-
зук эшитмади. Хуршида ўғли
етадиган хонага ўтди. Солинган
жойи шундай турибди, вечер-
печерга кетган бўлса, бувим бир
узи... Хуршиданинг кунгли бу-
зилди. Хувиллаган уйда якка ўзи
янги йил кутаётган она ҳаслан
қўз унгида гавдаланди. Та-
бийки, Сухроби йўқ, қозон ҳам
осмаган. Гоҳ йўлга қараб, гоҳ
телевизорга тикилиб бир ўзи
утирган. Мен эса... Вой гўмроҳ-
ей! «Дастурхонимизда ҳамма
нарсаси бўлсин, даласи. Дастур-
хон қанча тукин бўлса, кират-
ган йил ҳам ана шундай тукин
утармиш», деб қорин тапши-
шини қилибман-у, ёлғизгина
мушгипаримни уйламабман-а.
Ҳар доимгидай Сухроби билан
бирга кутишди, дебман-да...

Она қизининг сумкасини қап-
пайтиргани камдай, яна узини-
нг салафан халтасига ҳам бир-
нарсалар солиб улгурибди.
— Мана, майда-чуйдаларни
ҳам обкет. Болам билан кутар-
миз, деб пенсамга бозор-учар
қилувдим. Хулдога шукр, қатор-
га кириб уртоқлари билан янги
йил кутадиган бўлиб қолди.
Хуршида онасини сўзсиз қу-
чоклади, қаламширмунчокнинг
танини, қадрдон ҳиди димоғига
гуп этиб урилди.

— Худо ҳоҳласа, янаги йилни
бирга кутамиз. Узим обкетаман.
— Насиб, кизжоним, даданг
рахматлининг арвоҳини чирқи-
ратиб кетгим келмайди. Бояги
гашимми узингга олма, айтдим-
қўйдим-да, қари нарсаси...

— Хуршидаҳон, ҳой Хурши-
даҳон! Ҳасел жойидами? — ҳам-
хоналарнинг овози уни Фарго-
надан Молдавияга «келтириб»
қўйди.

— Уйга телефон қилиб ке-
лайлик, минути беш доллар
экан, шунча кетганини бири.

Хуршида уларга қўшилди. Са-
фарга отланаётганда бувисини-
нг пича тоби йўқ эди. Қизининг
бозорчи бўлиб қолганига, ўзи
айтмоқчи, асти розилиги йўқ.
Қўлида гўлдай ҳунари — чевар-
лиги бор бўлса, ҳамширалик
қилса, яна нима керак? Маоши
озроқ бўлсаям, садқайи сар, ху-
ло баракасиди берсин.

— Ман қиламан уттиз, эгам
қилади туққиз,
қизжоним. Ма-
на, утган сафар
кетганинда Хо-
лида йиқилиб ое-
ги синди, ҳануз-
хануз оқсаяпти,
тошган фойданг
дорига кетди-ку!
— Оҳ буви-я,

қаттаги гапларни топасиз-а, си-
надиган оёқ мани бор-йўқли-
гимга қарармиди?

— Сан булганинда Холида-
ни томда ишлатмасдинг, эркак
киши қиз боланинг гулмижоз-
лигини билармиди? Мана энди
болажоним тенг-тушларининг
ичида оқсаб қолди, — қўз ёши
қилади камшир.

Азбаройи жони ачиганидан,
йўл азоби, эти бориб устихони-
га ёпишган, қорайиб кетган бо-
ласини аяганидан она аччиқ-
аччиқ гапираётганлигини Хур-
шида ҳис этади. Серажин юзла-
ридан меҳр билан ушаркан, «Шу
сафар охириги марта борай, куе-
вингиз унади-ку», дейди эркала-
ниб.

— Ойқизим, биласан-ку, бо-
ла догини куравериб, ичим
адойи тамом бўлган. Суянган
тоғим, ишонган боғим узинг.
Озганингни қара, қорайганин-
ни қара, қандоқ чидайман, қан-
доқ?...

— Фергана, Юлдашева, вто-
рая кабина!

Югуриб эмас, учиб, кирди.
Ҳаяжондан нафаси бутзига ти-
қилиб тушакни кутарди.

— Алло ким бу? Сухроби сан-

Ўқинч

ми? Уканглар яхшими? Энанг
тузукми? Банисада дейсанми?
Неча кун бўлди? Анча?..

Телефонистка вақти тутаган-
лигини билдириб, алоқани узиб
қўйди.

— Оёгини бемалол узатмаяп-
ти, нимагадир илҳақлиги бор-
да, — деди тасол майитнинг
оёгини боғларкан.

— Ёлғизгина қизи тижорат
қилиб кетувди, шунга илҳақ тур-
ди. Узилишим қийин бўлди,
икки қузи... — унга ердан бе-
раётган қўшни аелнинг гапи оғ-
зида қолди. Ҳовлида Хуршида-
нинг фарёди селдек урилди.

— Бувижон! Мани кимларга
ташлаб кетдиз, бувижоним...

Майитнинг қўзлари «ярқ»
этиб очилиб, яна юмилганини
қўрган тасол еқасига туфлади:

— Онани яратмасин экан,
улгандаям «болам» дейди-я...

Маҳфуза УСМОНОВА,
Фаргона

СЕН МЕНИ ЁМОН ДЕДИНГ...

— Қўлимизга келиб тушаётган суд
ишларининг аксарияти оилавий ажрим-
лар, — дейишди маҳкамалачилар.

— Нега, — дейди беихтиёр улар билан
суҳбатлашаётган журналист.

— Чунки қовушаётган ешларнинг куп-
чилиги ҳали турмушга етарли тайёр эмас,
— дейди руҳиятшунос олим. — Улар
оила масъулиятини ҳис этишмайди...

Журналист ен дафтарига «Мисоллар
билан тулдириш керак» деб ёзди. Сух-
батни якунлаб, гузар томон йўл олади.
Гузардан ўтиб маҳалла. Маҳаллада эса
бутун никоҳ тўйи. Чоғроққина хонада
маҳалланинг имом хатиби икки ёш
рупарасига ўтиргизиб, никоҳ хутбасини
ўқимокча шайланади.

— Қуръони Каримдан бирор сурани
айтиб берингчи, бутам, — дейди у киши
қуёв бўлимиш йигитга. Қуёв жим. Келин
бўлимиш қиздан талаб қилинади. Келин
ҳам жим. Улар учун ёнларидаги икки
ғувоҳ — янгалар калиман шаҳодатни
айтган бўлишади.

Тўй бошланади. Келин-қуёв ҳижрон
пиллапоояларидан ўтиб, висол тахтига
чиққанларидан бахтиёр. Қўла-андалар
орзу-ҳаваси ушалаётганидан шодлана-
дилар.

Тўй тилаклари бирма—бир айтилади.
Ҳар тилак сўнгида: «Қўша қарисинлар,
ували-жували бўлишин», деган азалий
сузларга ургу берилиши.

Ҳамма дуога қўл очади. Бу ерда эри
эпиқдан қирав бўлса урнидан ғириб
турадиган, эр юзига тик қараб, олдида
«озини баландлатишни уят билган ва
бир умр олоб—иффати, ҳушхўлиқи бил-
ан эрни уйга «маҳкам» боғлаган нуру-
ний момолар, меҳру—салоқати билан
оила пойдеворини мустаҳкамлаб яша-
ган, аёлу—фарзандларига хиёнат этмок-
ликини ҳаслининг қучасига ҳам келтир-

маган донишманд боболар бор. Улар
келин—қуёвга яхши тилак билдириб,
дуо айтадилар.

Тўй тантаналари узоқ вақт хотира-
ларда яшайди. Бу хотираларга берилган-
лар узларининг келин-қуёвлик дамлари-
ни соғиниб эслашади. Бўйқизлару буз
йигитлар ширин орзуларини энтикиб
шивирлайдилар. Шундай хотиралар би-
лан яшаб юрган кунларинингизнинг бири-
да ногоҳоний хабар ҳаселдариңизга ке-
либ урилади: «Улар ажрашаётганмиш!»
Тапшишга тушасиз: «Наҳотки» Дар-
ров—а...

— Нега ажрашмоқчисизлар? — дея са-
вол берилади уларга судда.

— У мени нуқул ёмонсан, — дейди,
қўз ёшлари дувуллаб кетади аелнинг.

— Сен мени ёмон дединг—ку, — ни-
гоҳлари қаҳри тус олади эркакнинг.

— Жанжал нимадан чиқди, ўзи?!

Ҳамманинг нигоҳи келин-қуёвга қа-
далган. Улар бири олиб, бири қўйиб,
бир-бирига «тош» ота бошлайдилар. Ма-
ломат ёмғирлари ичра англаганларин-
гиз шу бўладикки, жанжал арзиммаган на-
рсдан чиққан эди! Уша кўни келин бери-
либ телесериал қўриб ўтирганида, эр
меҳмон бошлаб келади. Икковни ҳам
ширакайф. Аёл тезгина дастурхон ёзиб,
нон—чой келтиради. «Кеннойи, овора
бўлмаг, биз зиёфатдан келяяпмиз»,
дейди меҳмон. «Тезроқ овқат пишириб
кел», дейди эр. «Вой, даласи, ҳозир беш
минутда тугайди мана бу филм, кейин
пишираман», дейди аёл телескранга
ишора қилиб.

Эр меҳмон олдида «гапи селгани»га
чидаб туролмайди. Пиелани чойи билан
телевизор томонга улоқтиради: «Мана
сенга филм!» «Вой, уялмасизми, меҳ-
мон бор—а», — дейди келин телевизор-



Абдул Ғани ЖУМА олган сурат

ни учириб келиб. «Вей, ҳали сиз
уяллаган бўп қолдингизми?! —
масхаралайди эр. — Ҳозир мен
сенга...» Эр хезланади. Аёл узини
қалтақдан пана қилади. Болалар уй-
го-ниб кетиб, изиллашади. Меҳмон ҳи-
жолатланади. «Эртдан қорангни учир бу
уйдан!» — бақиради эр. Аёл болаларини
чала—чулпа қийинтириб, шу тундаёқ
онасиникига кетиб қолади.
— Уртада фарзандлар бор, яхшилаб
уйланглар, — дейди суддагилар ва эр—хо-
тинга никоҳ шартларини тушунтириб,
ярашши мулдатини белгилайди.
— Уйлаб бўлганмиз, болаларни бир
амаллаб ўзим боқиб оламан, — дейди
аёл.

— Ниятинг шу эди сенинг, билгани-
нгни қил, — дейди юзини терс ўтириб
эркак.

...Инсон ҳамиша ёруғ кунлар хотира-
сини соғиниб яшайди. Аёл ҳориган кез-
ларида уй албomini болаларидан яши-
ринча варақлайди. ЗАГС сувартидаги бах-
тиёр чехра узиники эканини уйлаб хур-
синида. Қуёвнинг уша кўнги ваъдалари-
ни эслаб, алам билан шивирлайди: «Ки-
ши ҳам шунчалик тез узгарар экан—а...»
Эҳ, болалари ҳозир кичик, аммо қачон
ўлғайишиб, «сизни отам нега та-
шлаб кетган», дейишса нима жавоб қи-
лади? Нега ушанда енгиллик қилиб ота
уйига жунаворди? Нега момосининг
тўй кўни қилган насиҳатларини шунча-

Оила — муқаддас даргоҳ

лик тез унутди! Нимага ишонди, у? Виж-
дон суроқларига жавоб тополмай унинг
қўзларига ёш сизди.

Эркак ҳам бу вақтда бедор эди. Бола-
ларини қўргиси келса—да, улар ёнига
боролмайди. Бир марта яширинча бор-
ганини эшитиб, кейинги уйланган аёли
соч юлиб, хуп томоша қўрсатган. Соғи-
нч гирдобда азобланиб, қўпинча бе-
дор, сигаретни узун—узун тортиб
уйлайди: «—Боболаримиз тугри айтиш-
кан экан: «Биринчи савдо савдо, кейин-
гиси гавго...» деб. Бунисига уйланиб. Ни-
ма топдим? Жанжалдан бошим чиқ-
майди. Ишдан сал ҳаялласам, «собиқ
хотинингиз олдида бордингизми?» деб
пичинг отади. Ушанда нега енгиллик
қилдим? Меҳмоннинг олдида узимни
қўрсатмоқчи бўлдимми?!

Ҳасел — ҳақиқат дегани эмас. У — рус.
Ҳасел қачон ҳақиқатга айланади? Бунни
ҳали ҳеч ким билмайди. Эркак ва аелни-
нг ҳаселарига қасдма—қасд, магнитофон-
дан таралаётган қадимий «бир қўшиқ
улағиб кетади:

Оқ илон оппоқ илон, ойдинда
ётгонинг қани,
Сен мени ёмон дединг, яхшини
топгонинг қани...
Гулчехра ЖАМИЛОВА

ХУМГА ҚАМАЛГАН «АЖИНА»

Оддий одамлар орасида

Бу воқеа анча йиллар бурун содир бўлган. Уша пайтлар Абрай бува қирчиллама қирқ ёшларда бўлиб, давлатнинг бир сурув куйига чупонлик қиларкан. «Туртта туёқнинг устига» чунтаги ақчага тулиб, узини қишлоқнинг «Минг қуйли бойларидан» санаб юрган Абрай чупон бир гал уч-турт хашарчи ёллаб, уйини гулқори сувоқ қилдирмоқчи бўлибди. Лой тайерлаш учун ҳовлининг бир чеккасидан тупроқ қавлаб олаётган ёш ишчилар кутилмаганда урадан каттақон хум топиб олишибди. Гердаийб утирганича уларга гурунг бераётган Абрай чупон хумни кургач, кузлари жалтанглаб, оёғи куйган товукдек типирчилаб қолибди. У азбаройи қизиқиш туфайли хумнинг пишқ-дой билан суваб бекитилган оғзини очётган ийигитнинг қулларига ёпишибди.

— Ай, Алимбой, муну кўябер, узим очаман, — дебди у хумни маҳкам бағрига босганича. — Силар чарчадинглар, уйларингга бораверинглар.

Қолганини эртага қиламиз.

— Хумни очинг қани, чупон бова, — дебди хашарчилардан бири. — Ичида нима борлигини курайлик.

— Укажонлар, — дебди у хавотирли оҳангда. — Эскидан шундай нақл бор, би-р замонлар Сулаймон пайгамбар дунёдаги жами ажиналарни хумларга қамаб, оғзини беркитиб, ерга кумиб кетгананкан. Мунинг ичидаям шундайин ажина борлиги аниқ. Ҳозир очсам, ичидан ажина чиқиб, сизларди чалиб кетади. Кейин бирининг оғзини қийшиқ, биринг гилай, яна бировинг шол бўлиб қоласанлар. Шу яхши бўлама? Қуйинглар, бошларингга бало орттирманглар.

Абрай чупоннинг пойинтар-сойинтар гаплари хашарчиларнинг баттар қитиқ патларига тегибди. Улар хо-холаб, хо-холаб кулишибди.

— Булинг энди, чупон бува, хумни очайлик! — дебди Рамазон таҳдидли оҳангда.

— Укажонлар, майли муну

очамиз, — дебди у мажбуран ён босиб. — Фақат келишиб олайлик. Ичидан бир нарса чиқса, учдан бирини силарга бераман, қолгани узимга. Чунки у менинг ҳовлимдан чиқди. Шу билан гап ораимизда қолади. Розимисизлар?

— Ху, очаверинг-чи, — дейишибди улар.

Абрай чупон белбоғига осилган пичоғини қулга олиб, хумнинг оғзидаги сувоқни уриб кучириб, қалтироқ қулларини унинг ичига тиқибди... Хашарчилар ҳам нафасларини ичига ютиб, унинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб туришаркан. Чупон хумни тескари ағдариб, силкита бошлабди. Сопол идишнинг ичидан шувиллаб... қоп-қора тупроқ тукилибди. Бошқа ҳеч нарса йўқ экан.

У алам билан хумни бир чеккага иргитибди-да, тупроққа беланган жийдасининг ети билан пешонасидаги резареза терини артибди. Сунг терасида саф тортган хашарчиларга юзланиб, шундай дебди:

— Огайнилар, курқманглар, мунинг ичида ажинаси йўқ экан!...

Кимдир «пик» этиб кулиб юборибди. Бошқалар ҳам унга жур бўлишибди. Хашарчилар думалаб-думалаб кулишибди, қоринларини ушлаб-ушлаб кулишибди. Абрай чупон ҳам кемтик тишларини курсатиб, хиринглабди...

Уша воқеа тилдан-тилга кучиб, одамлар орасида латифага айланиб кетди. Шу-шу Абрай чупоннинг лақаби — Абрай Ажина бўлди. Албатта, бу воқеага ҳам орадан кўп йиллар ўтиб кетган. Абрай чупон ҳозир сурувни топшириб, пенсияга чиққан. Одамлар уни иззат-икром билан Ажина бува дейишади. Айтишларича, Ажина бува мудом уша хумни сақлаб юраркан. «Улсам, укагар бу хумди узим билан чин дунёга олиб кетаман», деб кулармиш.

Уймувутликлар Ажина бувани жуда ўткир одам, дейишади. Чоллар эса: «у хумсанинг билмаган балоси йўқ, шунча нарсани қурутлайгина калласига қандай сиғдираркан» деб ажабланиб юришади.

Ғафур ШЕРМУҲАММАД

Сўнгги устун

ИШҚИБОЗЛИК

Парижлик Ладислав Ликлер пишлоқ ураладиган ерлик қоғозлар йиғишга қизиқади. Унинг коллекциясида дуненинг 75 мамлакатидан келтирилган 112 мингта ерлик бор. Уларнинг энг эскиси 1880 йилда чиққан пишлоқнинг еригидир.

Бавариянинг Алтёттинг шаҳрида истиқомат қилувчи Йозеф Дюнхуберн турли мамлакатларнинг орден, медал ва эсдалик нишонларини тўплайди. Ярим аср мобайнида у 50 минг донга яқин турли нишонлар йиғишга эришган.

Ҳатто, машҳур шахслар, давлат арбоблари ҳам сиёсатдан чарчаганда уларига дам бериш учун турли нарсалар йиғишган. Жумладан, Буюк Британия қироличаси Елизавета IIнинг отаси Георг VI чойнакларни коллекция қилган. Унинг йиққан чойнаклар миёнда ортиқ бўлган. Германия канцлери Отто Бисмарк эса ҳарорат улчиғичлар тўплаш ишқибози эди.

Жанубий Африкалик Гэйвин Пилати қурул-аслаҳа йиғишни яхши кўрарди. Ана шу ишқибозлиги охири-оқибат унинг бошига етди. У коллекциясидаги 35 миллиметрли зенит снарядини куздан кечираётганда портлаб кетган.

Европадаги миттигина давлат Люксембургнинг Гревелмахер шаҳрида япловчи Петер Паул Плюкфелдернинг коллекциясида 479та кужойнак бор. Уларнинг энг қадимийи XVI асрга мансуб.

Даниялик Марианна Браммер 1203315 та бупи консерва кутини тўплади. Умумий оғирлиги 2,5 тоннани ташкил этган бу коллекциясини у металлорга тоширди.

Франциянинг Рубе шаҳрида қадимий дазмолларни йиғиш ишқибозлари клуби бор. Клубга мингдан ортиқ турдаги дазмоллар ва у туғрида маълумот берувчи, каттагина кутубхонага жо бўлгулик адабиётлар тўпланган.

«ИЗДАМАТАНДАҲ КЕҲУН КАРМОНКАДА!»

Эр уйига келса, хотини «Доим кеч келасан», деб мингирлай бошлади. Эрнинг ҳаёли чикиб деди:

— Мен эркин қушман, хоҳлаган пайтимда келаман.

Шундан кейин хотин уйга келмай қуйди. Эрнинг эътирозига:

— Мен қафасдаги қушман, қачон қуйиб юборишса, ушанда келаман, — деб жавоб қилди.

Клара тушдага этиб сигарета чекар экан, уйнашга деди:

— Билсанми жонгинам, эрим менинг шу ҳолатимни кўргандами, аниқ эҳсонаси чиқиб кетарди. У бечора мени чекишни ташлаган, деб юрибди.

Холливуд кино юлдузининг қизи синфдошларига эътироз билдираяпти:

— Нима, менинг отам йўқми? Ҳаммаларининг оталарининг йиғиб келганда ҳам менинг оталаримча чиқмайди.

Аёлнинг уйнаши энди кириб келган ҳам эдики, эшикнинг кунгироғи жиринглаб қолди. Аёл уни қопга солиб, эшикни очса, иккинчи уйнаши турибди. Уни киритиши билан яна кунгироқ чалинди. Шу йўсида иккинчи, учинчи уйнашлар ҳам қопга жойлан-

ди. Охири кириб келган эр сўради:

— Булар қанақа қоплар?

— Қайнонанг келганди. Қишга ул-бул олиб келибди.

Эр биринчи қопни тепиб кўрди, қопдан «хрю-хрю» деган товуш келди.

— Яхши, чўча экан.

Иккинчи қопни тепганди, «Ку-ку-ку» деган овоз чиқди.

— Зуру, товук ҳам бор экан.

Учинчи қопни бир тепди, овоз чиқмади. Иккинчи марта тепди, яна жимлик. Учинчи тепишида қопдан овоз келди:

— Қанақа тушунмаган одамсан, индамагандан кейин картошка бўлади-да.

— Кечирасиз, яхши қиз, агар сизга ҳаво орқали улич йўлласам мен ҳақимда қандай ҳаёлга борардингиз?

— Сизни меҳнатдан қочадиган ҳақиқий дангаса деб уйлардим.

— Жудаям уятли иш бўлди-да, — деди Рабинович хотинига.

— Нима гап, азизим, тинчликми?

— Абрам мени учинчи хотинининг жанозасига айтди. Мен эса уни бир мартаям айтолганим йўқ.

Жаҳон кулади



Туяга янтоқ керак бўлса...

Муассисларимиз:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХОТИН-ҚИЗЛАР
ҚУМИТАСИ, БОЛАЛАР
ЖАМҒАРМАСИ ВА
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН» ХАЛҚАРО
ХАЙРИЯ
ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР: МУҲАММАД ИСМОИЛ

Ҳомий:

«Матбуот тарқатуви»

Ақилдорлик жамияти

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент — 700000, Амир Темур
кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

Телефонлар: Бош муҳаррир — 33-28-20,
котибият — 34-86-91,
эълонлар бўлими — 36-56-52.
Даврон БЕК навбатчилик қилди
Обуна индекси — 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0460 32665 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

МАЪНАВИЯТ ҚАЛБ ГАВҲАРИ

Иншолаҳ танловига

Маънавият — қалбларни ёрқин қишлоқ. Унинг шуъласида инсон узлигини, қисқа айтганда, уз кунлини ёрқин қириб, узининг нималарга қодирлигини англаб етади. Демокриманки, маънавият — улғовсиз, беадал ва абадий бир олам. У йўқдан бор бўлмади, аммо бордан юксалиб, кўпайиб, кенгайиб ва бойиб боради. У миллатнинг бутун ички ва ташқи, зоҳирий ва ботиний олами, ўтмиши ва бугуни, орзуси ва истиқболлини уз ичига қамраб олади.

Маънавият уз халқининг тарихи, унинг маданияти ва ғофаларини чуқур бил

ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, уз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам йўқ. Шу маънода маънавий баркамол инсон тарбияси мустақил юртимиз сиёсатининг бош йўналишларидан бири, десам хато бўлмади.

Мен дунёдаги жамики гузал ва пок нарсалар — Кўёш, Ой, юлдузлар ва гул сумбуллар, бари-барисини аёлга қийслагим келади. Оллоҳ ҳам пок ва гузал нарсаларни суюб, унга меҳр нурини сочади. Шу боиски, гоҳида аёл қалби ҳам

Оллоҳ нури билан жололанган буюк мўъжиза, қудратли тимсол, енгилмас қалъа, деб уйлаб қоламан.

Меҳнатсеварлик, адолат, меҳр-оқибат, кексаларга ҳурмат, ёшларга иззат, шарм-ҳаё, ифтихор, садоқат, одамохунлик, вафодорлик, бардошчилик, маҳалла бўлиб яшаш сингари фазилатлар маънавият қасри-мизнинг тамал тошларидир. Уларнинг барчаси ҳаётимизнинг гулгожи, унинг, уриб турган юраги, миллий ахлоқий қадриятларимизнинг асосий манбаларидир.

Эътиқод кишининг ҳаёт

йўлини ёритиб туради, мадал, куч беради. Эътиқодсиз турмуш — мақсадсиз турмуш ҳисобланади. Эътиқодини йўқотган — узлигини йўқотди. Ҳаётда эътиқодли кишилар кучли қалб эгаси, ор-номусли, мард, ориятли, гурурли бўлиб, гуноҳни савобдан, яхшини ёмондан, мардни номарддан, диёнатни хиёнатдан, адолатни разолатдан, садоқатни хиёнатдан, ҳавасни ҳасаддан, инсофни инсофсизликдан ажрата оладилар.

Муборак ИРКАБОВА,
ТошДАУ бухгалтерлик
ҳисоби факултети III курс
талибаси

БУТУН

Умидли дунё

СИЗ ТУТИЛГАН КУН

(БАДИА-МАКТУБ)

Рўпарамда суратингиз турибди. Менга қараяпсиз. Чехрангиз тула табассум. Гуё: «Суйла, гузал, не гапинг бор?» — дейётгандайсиз.

Едингиздами, суратта тушаётганингизда ёнингизда мен ҳам бор эдим. Дегингизки: «Бутун мен тутилган кун. Ҳар йили шу кунни суратта тушаман. Одатим шундай. Бундан кейин ҳар йили тутилган кунимда биргаликда тушамиз. То умримиз охиригача!»

Нигонгиз менга тикилган. Юзингиздан меҳр-муҳаббатга тула нур таралиб турибди. Бу нур фақатгина чехрангизни эмас, балки юрагингизни, менингга юрагини ёритиб тургандай. Сизга қараб-наму кунгина висол онлари, сизла сайр қилган файзли оқшомлар ҳаётимдан ўтди.

... Бу дунени биз болаларча севардик ва болаларча тушунарлик. Ҳаёт фақатгина қувонч шодликдан, бахтдан иборат, деб уйлар эдик. Ширин-ширин орзулар қанотида келажак сари шошардик. Ҳамроҳларимиз шодлик, бахт, қувонч...

Едингиздами, ҳебонда сайр қилаётган эдик. Енгинамиздан яйраб-яннаб ёшгина келин-куёвлар утиб қолишди. Уларга ҳавас билан қарар эканман, буни Сиз ҳам сездингиз. Уларга секингина қараб қўйдингиз: «Биз булардан ҳам бахтиёрроқ бўламиз!» дегингиз. Шунда кузларимиз туқнашди: қақнаган учқунларда «Албатта, албатта», деган маъно бор эди.

Эвоҳ... Тақдир экан. Биз улардек була олмадик. Ҳатто бир кун ҳам. Бизни тақдир айирди...



Бутун эрта тонгда Сизни уйладим. Гарчанд ёнимда бўлмасангиз-да, ушбу муборак кун билан Сизни қалбимдаги энг пок, самимий тилаклар билан қўтладим. Пок, заррин нурлар билан яна бир кунни нурафшон айламоқчи бўлаётган қуёшга қараб, дилимдаги улуғ ниятларнинг рўёбга чиқишини ундан тиладим. Сокин тонг баргиди Сизнинг ҳаётингиз билан андармон бўлиб қуёшни қарши олар эканман, «Гуноҳимдан ўтсин», — дея ёлвордим. Сиз севиш ва севилиш учун яшаётган инсон эдингиз. Сиз ҳамон мени севиб яшаяпсиз. Мен эса Сизни...

Мусаффо тонгда улуғ бир ният билан яна бир кунимни бошладим: «Келаси йили тутилган кунларида табриклашни насиб эт!»...

Маҳмуда АБДУЛЛАЁРОВА

ЎГАЙ ОТА ЖОҲИЛ ЭМАС

Қисмат

Тақдир тақозоси билан тўрт ёшнинг учтаси ҳаётдан эрта куз юмишиб, мен икки ёшлик пайтимда ота-онам ажралишиб, бошқа-бошқа турмуш қуришган экан. Мен эсимни таниганимдан сўнг гоҳ отамникида, гоҳ онамникида яшай бошладим.

Йиллар утиб отам томондан икки, онам томондан уч укалик бўлдим. Отамникига борсам, она бир укаларимни, онамникига келсам, ота бир укаларимни соғиниб қолардим.

Ҳарбий хизматдан қайтганимдан сўнг бир йил утиб, уз отам ва ўғай онам фарзанд усти-ке-рухотини кўрмай биринчи ин еру дунени тарк этишди. Ўғай онам (худо раҳмати билан булсин) ажойиб аёл эди. Мени бирор марта бўлсин турткилаганини билмаман, ҳамма вақт кузларидан меҳр ёғилиб турарди. Улар вафотидан сўнг ҳеч мулоҳаза қилиб

утирмай, иккала укамни ўғай отамникига олиб келдим, оилада қалр-қимнат анча устун тургани учунми, ёмон қабул қилишмади, кунглисизлик, турткилашлар бўлмади. Болалар ўғай отамни ала, ойимларни ойи, дейишди. Бир ота ва бир онанинг фарзандларидек воғта етишиб, ҳамма ака-укаларим оилани, бахтли-саодатли бўлиб кетишди. Улар орасида пешонаси шурроғи, бахти қанот ёзмагани мен эканман. Оила қуриб, чамаси ун йил деганда қора кунлар яна бошимга тушди. Маслаҳатгўй суянчигим — рафиқамдан айрилиб қолдим. Ёлғизлик менга жуда озор берди.

Бир кунни қўшнимнинг онаси:

— Қийналиб кетдингиз, одамнинг исиди-совуғи-ю, ёғат-турари бор. Бундай қилманг, уйланинг, мен сизга ёлғиз ўғай билан ижарага яшаб келаятган бир аёлни кузлаб юрибман. Биз

никида ҳам бир йилча яшаган эми, — деди.

Бошланасиз бўлса, унинг устига бир ўғай билан турмушнинг бутун оғирлигини елкасида олиб юриш... у бечорага ҳам оғир экан. Уйим-жойим деб яйраб яшаса, ўғай бўлса, ахир, фарзанд оила таянчи-ку!

Шундай қилиб, ўша аёлга уйландим. Хонадонимиз нурга тулди, файз-тароват узгача, Оллоҳга минг шукр! Укаларим, келинларим ҳам хурсанд бўлишди. Хотиним истараликкина, ҳаракатчан, меҳнаткаш аёл экан. Мен пайғамбаримизнинг «Етим ҳақини сганлар уз қоринларига дузах оловини жойлайдилар», — деган ҳадисларини дилимга жо қилиб, унинг ўғлини уз фарзандимдай қабул қилдим, унга меҳримни бердим.

Ҳаш-паш дегунча саккиз йил утиб кетди, лекин ўғай билан уртамизда илқилик пайдо бўлмади, оилага меҳр қуймади. Ёл-

ғон гапирмаган кунни йўқ. Халқимизда «сокин оққан дарёдан кўрк», деган гап бор. У ҳам шунча, сокин даре чиқиб қолди. Менга нисбатан юрагиди заррача бўлсин меҳр йўқлиги тап-сузларидан, юриш-туришни муомаласидан яққол сезилиб турарди.

Олатда ўғайлар пешонасига тавқи лаънат епиштирилиб, ҳар қадамда камситилиб, қоралаб келинади. Лекин мен бир нарсани айтишни жуда-жуда истамаман:

«Ҳамма ўғай оталар ҳам бу қадар разил, жоҳил эмас. Бунинг исботини ўғай ота-онанинг менга берган меҳри мисолида кўрдим. Узим ҳам ўғай ўғлимга ана шундай меҳрли бўлдим, унга бир оғиз ёмон сўзни раво кўрмадим. Лекин у...»

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ,
Тошкент шахри

НН АСР
ҚАРОҚЧИЛАРИ

Москвада «Видео қонун химоясида» номли йирик тадбир бўлиб ўтди. Ундан мақсад сўзлди видеокассеталарнинг асл нусхасини қонунга ҳилоф равишда қўпайтириб сотувчиларга қарши кураш эди. Хомаки ҳисоб-китобларга қараганда «видео қароқчилари»нинг йиллик даромади бир неча миллиард рублга тенг экан. Ваҳоланки, бу пулдан на давлатга, на ижодкорларга сариқ қақаям тегмади. Минглаб москваликлар қатнашган тадбирда «қароқчилик» йўли билан қўпайтирилган кассеталардан бир неча юк машинасида жой бўлғулик тўпланди ва ахлатхонага чиқариб ташланди.

МАФИЯНИНГ
ТАҲДИДИ

Италиялик машҳур опера артисти, таниқли тенор Лучано Павароттининг уйда енгин содир бўлди. Аслида у бу ерда яшамайди, ресторан очган. Енгин натижасида ана шу ресторанга жиддий зарар етди. Полициянинг фикрича, бу ишда мафиянинг қўли бор. Улар ресторан даромадига шерик бўлишга уришиб, рад жавобини олгач, ут қўйган бўлишлари керак. Павароттининг ўзи бу воқеани шарҳлашни истамади.

ЧИЛАНГАР
САЁҲАТЧИ

Санкт-Петербурглик чилангар Владислав Кетов олти йилдан бери велосипедда дунё буйлаб саёҳат қилмоқда. У ер юзини денгиз ва океанлар қирғоқлари буйлаб кезиб чиқиш ниятида. Хозирча сайёҳ Европа, Африка, Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиенинг 68 мамлакатиди бўлиб, 80 минг километр йўл юрди. Энди у Владивосток орқали Шимолий Америкага ўтиб, ундан кейин Жанубий Американи кезиб чиқмоқчи.

ДАРОМАД ВА
БЎРОМАД

Россияда ҳукумат аъзоларининг 1996 йилги даромадлари буйича декларация топшириши давом этмоқда. Хозирча Қалмикистон Республикаси Президенти Кирсан Илюмжинов салкам 6 миллиард рубл даромад билан биринчи уринда боряпти. Анатолий Чубайс 2 миллиардга яқин, Рибкин 576 миллиондан ошқироқ, Борис Ельцин эса 243,5 миллион рублдан сал зиёроқ даромад қилган.

Хорижий матбуот
хабарлари асосида
тайёрланди

Комилжон Отаниёзов таваллудининг 80 йиллигига

НАВОЛАРГА ЖОЙЛАНГАН УМР

Гоҳида руҳан толиқаман. Бунинг устига чарчоғимни зерикиб босиб кетади. Ниманидир излайсан, тополмайсан. Нимани йўқотганимда, эсиндан чиқали, кунгил кенгликлариди. Шунда илоҳий бир куч булган наво руҳини аллалайди, кунгилнинг бушлиқлари аро эркин-эркин сузасан, дардлардан бироз енгиллашасан.

Ана шу ҳаёлар билан магнитофон тугмасини босаман. Унда янграётган куй, қушиқ тасаввурларимни тугдек тўқади. Гоҳ чийилиб, гоҳ ваҳимали шовқин аралаш таралаётган оҳанг учун магнитофондан аламимни олмоқчи бўламан. Ҳар қандай мақомга йўрғалай олмаган узимни-да, сукман.

— Бачам, Комилжондан борми?... Маъмуржондан-чи?

Ҳафсаласи шир булган отахон секин қайрилиб кетади. Хумор улсин-а, хумор! Ажнбий куйга оёғини лиқиллатиб, чайқалиб мусиқий ёзувларни сотаётган йигит варанглатиб «мода»даги қушиқни куйиб юборди: Улсам сени дейман... Одатда Шарҳ оҳангларига бош билан, гарб оҳангларига оёқ билан жүр бўлинади, деган ганнинг моҳиятини англагандек бўламан.

Тўйимга Комилжон, Маъмуржон келмаса даврага чиқмайман, дейдиган келин ва куёвлар орзу-ҳавасини бутун унлаб «замонавий» мусиқа асбоблари-ю алламбало ашқолдашқоллар билан «йўрғалаётган» эстрада ансамблилари эғаллаган. Копки бу жазавали мусиқалар кишига руҳан куч берса. Шундай булғач микрофонсиз, фақат тор ва доира билан улмас қушиқлар ижро этиб, халқ назарига тушган Комилжон Отаниёзовни кўмсайди кунгил.

Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзовнинг санъатидан баҳраманд бўлиб келган халқимиз унинг инсоний фазилатларидан, оилада узини қандай тутишидан огоҳ бўлмаган бўлиши ҳам мумкин. Шу боис у ҳақдаги айрим ана шундай хотираларни сиз азиз муштарийларга илиниш учун ҳофиз яшаган уйга ташириб буюраман. Марҳум санъаткорнинг қизи Роҳатой опа Отаниёзова билан суҳбат кураман.

Комилжон Отаниёзов Имсиной Полвонова билан турмуш қургач, бир қиз қуришди. Бирок қизалоқ ота-она пешонаси-

га сиғмайди. Беш ёшида қизмикдан фафот этади. Афсуски Оллоҳ уларга бошқа фарзанд ато этмади. Армон исканжага олганда ҳофиз қушиқни, мусиқани узига фарзанд, деб билди. Балки баъзи бир қушиқларидаги ҳазин ва дардли оҳанг ана шунинг маҳсулидир, дея уйланаман.

Ҳофизнинг акаси Фозилжон оға бахтсиз ҳодиса туфайли оламдан эрта куз юмди. Отадан беш нафар фарзанд етим қолди. Комилжон ака жигарининг норасидаларини уз паноҳига олди. Уларнинг отасизлигини билдирмай устирди.

— Опаларим Муборак, Муҳаббат даламининг исмларини

ва хонининг маслаҳатчиларидан булган. Унинг еттига тилини мукаммал билиши, айниқса, исломий ахлоқ-одобга қатъий итоат этиши фарзандга ҳам утган. Шунинг учун ҳофиз гарчи шуро даврида туғилиб яшаган бўлса-да, иймонини, эътиқодини ҳавойи нарсаларга олишмади. Беш вақт намозни утринча ўқиб юрадиган ҳофизнинг душманлари уни не куйларга солишга уришмади, дейсиз. Свердлов залида ҳофизнинг билети сотиб булинган концертни тақиқлашлар, афишаларни йиртишлар, бари-бари аввало эътиқодга қилинган ҳамла эди. Ҳатто унга намоз ўқишни бас қилса, партия сафига киритишлари мум-

мат қилар, оилани хор этадиган эркакни эса душманидан-да бағтар қурарди. Ҳатто, Имсиной опанинг кузини операция қилишганида, ҳеч кимга ишонмай йигирма кун давомида ўзи бошида утирган.

Тўйларда «қистир-қистир» учун турли хил мақомларга йўрғалайдиган сохта санъаткорлар тошган пулни савоб ишларга сарфлагани ҳақида ҳеч эшитмаганман. Комилжон ака халқ хизматини қилиб топадиган ҳалол пулни савоб ишларга, эзгу, хайрли нарсаларга сарфлашга эътибор берган. Шовотда ўз ҳисобидан чиройли бир мактаб қурдирган. Шунингдек ўзи туғилиб ўсган Шовот заминиди таъин қилиб, ота-боболари кумилган қабристонни обод айлаган.

Тожикистонлик машҳур ҳофиз Журабек Муродов Хоразм элига концерт беришга борганида, устоз санъаткор руҳига Қуръон тиловат қилдириб, қабрига гулжум дарахтини эккан. Айтишларича, утган йил Ҳиндистондан бир киши атайлаб Комилжон Отаниёзовнинг қабрини зиёрат қилишга келган. 1995 йилда Афғонистондан келишиб, ҳофиз руҳини ёд этишган. Кизининг гувоҳлик беришича, у улимидан сал олдин уттиз кун руза тутган. Умуман, Комилжон ака иймони бутун инсон булган.

Машҳур ҳофизнинг 80 йиллик таваллуди олдидан Хоразмда илк бор республика қушиқ танлови ўтказилди. «Олтин мерос» жамғармаси ҳофизга бағишлаб хайрия концертини ташкиллангирди.

Хоразм сувораси янтраганда кунгилм гўе кенг бир уммон узра қалқийди. Бу уммонда юрак сузмोकда, бу уммонда дард қалқимокда. Шу сабаб тугиба тоғимайман. Илоҳий куй «Лазги» янтраганда эса гўе жон жисмдан ажралиб, оҳанрабо наво қанотларига осилади. Куй руҳини аллалайверди. Комилжон Отаниёзов сайқал берган бу мусиқаларга.

Комилжон Отаниёзов куй, қушиққа жон бахш этди. Ва бу хилқат ичига ўзи ҳам кириб яшайди. Яъни, куй-қушиқ билан бирга нафас олди, озикланди. Ҳануз Хоразм элидан учмас наво келади. Бу куйга айланган, қушиққа айланган кунгил исенидир.

Алжон САФАРОВ



фамилия қилиб олиб, Фозилова бўлишди. Акам Одилбек, мен ва укам Олимбой (рахматли) Отаниёзов фамилиясига ўтдик. Барчамизни бирдек суйиб эркаладилар, — хотирлайди Роҳатой опа.

Бу билан бир томондан Комилжон Отаниёзов болажон ўзбек миллатининг вакили эканлиги кўзга ташланса, иккинчи томондан унинг ўзбекона ахлоқий ва маиший ҳаётни яхши билганлиги акс этади. Ахир жигари зурриедларининг бошини силап, фарзанд қилиб олиш тугул ев бўлиб еқа бўлишган ака-укалар кам дейсизми, ҳаётимизда.

Ҳовлининг уртасида парда тортилиб, аёллар алоҳида утиришган. Айниқса, меҳмонлар келганда Комилжон ака бунга жиддий эътибор берган. Роҳатой опанинг айтишича, ҳатто, ҳожатхона ҳам алоҳида-алоҳида булган экан. Маълум бўлишича, Комилжон аканинг падари-бузрукворлари Отаниёв Охун Хи-

кинлигини айтишди. Ҳа, қабихликнинг яхшиси, ёмони ва ёки уртачаси булмаган. Ношуллар билишмаганки, халқига, миллатига, динига булган эътиқодни фақат юрак билан бирга сугуриб ташлаш мумкинлигини.

Нохай қамалиб чиққан бир киши турмадан чиққан заҳоти умр буйи яхшиликлар қилган дўстларининг уйига ташириб буюрганда уни курагидан итаришган. У Комилжон аканинг одамохулини, саховатпешалиги ҳақида кўп эшитган экан. Сураб-сураб тунда ҳофизнинг уйини топиб келгач, ундан умрида ҳеч қимдан қурмаган мурувватни куради. У устига кийим-бош, қорнига овқат эмас, кемтик қалбига малҳам излаб келганди. Уша малҳамини топти. У Комилжон оға улим тушагида етганида бир неча бор йўқлаб келибди. Бу воқеани Роҳатой опа айтиб бердилар.

Комилжон Отаниёзов хотини Имсиной Полвоновани ҳур-

Сўнгги устун

ШАПАЛОҚНИНГ БАҲОСИ

Португалия жиноят кодексида янги модда пайдо бўлди. Унга қура бировни бир шাপалоқ билан «сийлаганик» учун икки йилга озодликдан маҳрум этиш ҳудуд жуда катта миқдорда жарима қўзда тутилган.

ИТЛАРДАН СЕЗГИРРОК

Шерларнинг хид билиш хусусияти итларникига қараганда ун марта кучли экан. Шунинг учун Венесуэла пойтахти Каракас шаҳрида полициячилар тиеҳанди моддаларни қидириб топиш учун ургатилган шерлардан фойдаланишмоқда.

Ё ИШ, Ё ЧЕКИШ

Америка Қўшма Штатларининг «Юе-Ажи акустикал продикте» фирмаси узининг 10 та фабрикасида меҳнат қилувчи 1300 ходимга ёки чекишни ташлаш, ёки бошқа иш қидириш шартини қўйди. Ҳартугул ишсиз қилишдан қура чекишни ташлашни афзал биладиганлар қўпроқ экан.

УЙҚУНИ БУЗМАСЛИК УЧУН

Швейцария тунда машина ҳайлаш мумкин бўлмаган дундаги ягона мамлакатдир. Бу ерда ёз ойлари тунги 22 дан саҳарги 4 гача, қишда эса 21 дан 5 га қалар машина ҳайлаш мумкин эмас.

ИМТИЁЗ

70 ёшдан ошган пекинлик қариялар кўчини кесиб ўтишда алоҳида имтиёзга эгадлар. Улар узлари маъқул топган жойда кўчини кесиб ўтишлари мумкин. Бундай пайтда ҳайдовчилар машиналарини тўхтатиб турришлари шарт.

СЕМИЗЛАРГА ҚИЙИН

Бразилиянинг Порту Алегрис шаҳридаги кинотеатрларда кино кўришни хоҳловчилардан ваэнига қараб ҳақ олишади. Яъни бир кило учун 0,5 крузал. Демак, ваэни 80 кило булган киши 40 крузду (тахминан 25-27 АҚШ центи) тулайди. Бу усулдан семизлар анча зарар қуришмоқда.

СУВДА ПОЙГА

Таити оролларида сувда утказиладиган отлар пойғасини қўпчилик қизиқчи томоша қилади. Чавандозлар ўз отлари билан бир километрга сузиб боришлари керак.



БОШ МУҲАРРИР: МУҲАММАД ИСМОИЛ

Ҳомий:
Ўзбекистон
«Матбуот тарқатиш»
акциядорлик жамияти

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент-700000,
Амир ТЕМУР кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 133-28-20,
корреспондент — 34-86-91,
эълонлар бўлими — 136-56-52.
Даврон БЕК наоибатчилик қилди
Обуна индекси — 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Т-0460
32665 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Пайшанба кунлари чиқади
Баҳоси эркин нархда